



Ишбилармон, мардлик ва ишжонат соҳиб, азма қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XASR

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
ЎЗЛИДЕП

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 16 февраль, пайшанба
07-(431)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



2012 йилда O'zLiDeP
«Хавфсиз Интернет»
лойиҳасини амалга
оширишга киришди



Андижонда эрталаб ва
тушда мактаб
ўқувчиларига бепул
автобуслар хизмат
кўрсата бошлади



Бугун фан ҳам
XXI аср муаммосини
ҳал этишга қодир
бўлмай қолди...

ПАРТИЯ
ТАШАББУСИ

ИСЛОХОТ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ФРАКЦИЯ ОМБУДСМАН ҲИСОБОТНИНГ ЭШИТДИ

O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИНинг
НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ
(ОМБУДСМАН)НИНГ 2011
ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Маълумки, инсон ҳуқуқлари соҳа-
сидаги қонун ҳужжатларига риоя эти-
лишнинг мониторинг қилиш Омбудс-
ман институтини фаолиятининг страте-
гик йўналишларидан бири ҳисоблана-
ди. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
идораларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиё-
тида инсоннинг қонуний манфаатларига
риоя этилишини таъминлаш юзасидан
тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам Вакил-
нинг асосий вазифаларидандир. Шу
ўринда, Омбудсман тошхиринга кўра
«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги мар-
кази томонидан «Тошкент шаҳридаги
иш муҳити — тадбиркорлар баҳоси-
да» номли тадқиқот ўтказилганини
таъкидлаш мумкин. Тадқиқот натижа-
ларига кўра, сўровда иштирок этган
тадбиркорларнинг 25 фоизини пойтахт-
да бизнес билан шуғулланиш учун яра-
тилган шароитлардан қониқмаётганини
маълум қилган.

2»»

Семинар




МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТИДИР

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНинг АГРАР ВА СУВ
ҲЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ
ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН
ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК
МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ
ЧИҚАРУВЧИЛАР УЮШМАСИ
БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
СЕМИНАРДА ҲАМ ШУ
МАВЗУГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛДИ.

Қўмита раиси, O'zLiDeP фрак-
цияси аъзоси Муҳаммадсўф Теша-
боевнинг фикрича, Президентимиз-
нинг 2006 йил 23 мартдаги «Шах-
сий ёрдамчи, деҳқон ва фермер
хўжаликларига чорва молларини
қўпайтиришни рағбатлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги қаро-
рига мувофиқ соҳани жадал ривож-
лантириш ишлари аниқ режа ва дас-
турлар асосида олиб борилаётгани
учун ҳам йилдан-йилга натижалар
салмоғи ортиб бормоқда.

7»»

Президентимиз
Ислом
Каримовнинг
2011 йилнинг
асосий якунлари
ва 2012 йилда
Ўзбекистонни
ижтимоий-
иқтисодий
ривожлантиришнинг
устувор
йўналишларига
бағишланган
Вазирлар
Маҳкамасининг
мажлисидаги
маърузасида
таъкидланганидек,
иқтисодиётнинг
етақчи
тармоқларида
таркибий
ўзгаришларни
амалга ошириш ва
бу соҳаларни
диверсификация
қилишга
қаратилаётган
улкан эътибор
экспорт ҳажми,
унинг таркиби ва
сифатига ҳам
ижобий таъсир
кўрсатди.



Буни Сурхондарё вилояти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Хусусан, ўтган йили
воҳанинг экспорт ҳажми 203,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Техник ва
технологик қайта жиҳозланган корхоналарда маҳсулот сифати ошиб, экспорт
салоҳияти кенгайди. 2011 йилнинг ўзида вилоятда тўртта қўшма корхона барпо
этилиб, улар сони 51 тага етди.

«Мустаҳкам оила йили»да эса вилоятда қиймати қарийб 119,5 млн. АҚШ долларига тенг
65 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, 2015 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқариш ҳажмини камида 45 фоизга ошириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини
2011 йилдаги 8,1 фоиздан 2015 йилда 12 фоизга кўпайтириш режалаштирилмоқда.

4»»

«Мустаҳкам оила йили»

2012 йил Қашқадарёда ҳам бунёдкорлик йили бўлади

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
«2012 ЙИЛ — ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА
КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ» НОМЛИ МАЪРУЗАСИ ДАВЛАТ ВА
НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИДА
МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА АМАЛГА
ОШИРИЛАДИГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНМОҚДА

2012 йилда Қашқадарёда ҳам бир неча йи-
рик лойиҳаларни амал-
га ошириш кўзда тути-
лаётганини алоҳида таъ-
кидлаш лозим. Хусусан,
Талимаржон Исмаилов
Электр Станцияси уни-
тар корхонасида икки-
та буғ-газ қурилмаси
бунёд этилса, 2011-2015
йилларда Ўзбекистон
Республикаси саноати-
ни ривожлантиришнинг
устувор йўналишлари
тўғрисидаги Дастурга
асосан Муборак газни
қайта ишлаш заводида
учта йирик лойиҳа амал-
га оширилади. Вилоят
ҳокимлигидан олинган
маълумотларда
«Indorama Group» (Син-
гапур) компанияси билан
400 минг тонна поли-
этилен ишлаб чиқариш
қувватига эга Муборак
газ-кимё мажмуасини
бунёд этиш белгиланган
қайд этилмоқда. Бу-
нинг учун «Ўзбекнефт-

газ» компаниясининг 25
млн. Ўзбекистон Респу-
бликаси Тикланиш ва тарақ-
қиёт жамғармаси ҳисоби-
дан 25 млн. АҚШ долла-
ри миқдоридаги сармоя
ажратилиши кўзда тутил-
ган. Хорижий ҳамкор то-
монидан эса мазкур лойи-
ҳага 50 млн. доллар йўнал-
тирилади. Бу шубҳасиз,
истиқлол шарофати билан
Қашқадарёда том маънода
мўъжизалар рўй бераётган-
нинг яна бир тасдиғи-
дир.

Шу ўринда жорий йил-
нинг «Мустаҳкам оила
йили» деб эълон қилини-
ши яна бир бор оила со-
ғлом, жамият мустаҳкам
экан, мамлакат барқарор
бўлади, деган ақидани эс-
латилиши таъкидлаш ло-
зим.

— Бундай улкан ўзга-
ришлар деҳқонободлик-
ларга ҳам куч-қувват ба-
ғишламоқда, — дейди
халқ депутатлари Деҳқо-
нобод туман кенгаши депу-
тати, тадбиркор Нодира

Бойназарова.

— Тепакўтон ва Бешбу-
лок кишлоқларида қачон-
лардир дунёни лол қолди-
радиган корхона қурилади,
деса биров ишонмаган
бўларди. Шу маънода ҳам
Президентимиз ташаббуси
билан Деҳқонобод калий-
ли ўғитлар заводининг
барпо этилиши мамлакатимиз-
нинг иқтисодий салоҳи-
яти ва истиқболли қанчалар
порлоқ эканидан дарак
бормоқда. Бешбулок киш-
лони эндиликда мўъжиза-
харчага айланди. 1,5 минг-
га яқин киши меҳнат
қилаётган завод йилига
200 минг тонна калийли
ўғитлар ишлаб чиқара
бошлади. Кишлоқ ёшлари
эндиликда замонавий уску-
налар билан жиҳозланган
корхонада иш юритмоқда-
лар. Заводнинг иккинчи
навбати ишга тушган, ту-
манинг иқтисодий салоҳи-
яти юксалибгина қолмай,
халқимиз фаровонлиги
янада ошади. «Аср мўъжи-
заси» дея эътироф этила-

ётган Тошғузлар-Бойсун-
Кумқўрғон темир йўли-
нинг ишга туширилиши эса
бир қувончимизга ўн
қувонч қўшди.

Қуруқ тошдан иборат,
янтоқ босиб ётган чўлу биё-
бонлардан поезд катнаётган-
нинг кўриш, боғу-роғлар,
жаннатмакон гўшалар бунёд
этилаётганига гувоҳ бўлиш
бугунги қашқадарёликларга
насиб этипти. 223 км.лик
темир йўл излари 33 ойда
— муддатидан 2 йил олдин
ётқизилди.

2»»

БУГУНГИ СОНДА:

ТЎҒРИ, ЎЗ МАНФААТИ ЙЎЛИДА СОХТА ОБРЎ КОЗОНИШГА
ИНТИЛИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИ ТУРЛИ ЙЎЛЛАР ОРҚАЛИ
ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТИШ ЎЗҲДПНИНГ СИНАЛГАН УСУЛЛАРИДАНДИР.
ЛЕКИН, МАВЖУД ҲОЛАТНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАМАСДАН, O'ZLiDeP
БИЛАН СУНЪИЙ РАҚОБАТНИ ЮЗГАГА КЕЛТИРИШ
МАҚСАДИДАГИНА АЙТИЛАЁТГАН БУНДАЙ ФИКРЛАР ТОБОРА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ЕТАҚЧИ КУЧИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАН
КАРИЙБ ЯРИМ МИЛЛИОНЛИК ЎРТА КАТЛАМ — МУЛҚДОРЛАР
СИНФИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ
ИНКОР ЭТИШ БИЛАН БАРОБАР ЭМАСМИ?

7»»

Долзарб мавзу

Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «МАЪРИФАТ
МАРКАЗИ»ДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНинг АХБОРОТ ВА
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН
АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎТКАЗИЛГАН
«АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ЁШЛАР
МАЪНАВИЯТИ» МАВЗУИДАГИ
ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯДА ВОЯГА ЕТМАГАН
ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
РИВОЖЛАНИШИГА ЗИЁН ЕТКАЗУВЧИ
АХБОРОТЛАРДАН ҲИМОЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН
АЛОҲИДА ҚОНУН ИШЛАБ ЧИҚИШ ЛОЗИМ,
ДЕГАН ҚАТЪИЙ ҚАРОРГА КЕЛИНДИ

Бугун замонавий телекоммуникациялар, хусусан,
хаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган Ин-
тернетнинг муҳим аҳамияти ҳақида узоқ гапириш
мумкин. Лекин ҳар қандай тараққиёт ўзининг ижо-
бий жиҳатлари билан бирга салбий томонларини
ҳам яққол кўрсатаётганидан қўз юмсалгимиз ке-
рак. Энг асосийси, ахборот глобаллашуви жараё-
нида биринчи навбатда ҳали онги, тафаккури тўла
шаклланмаган ёшлар нишонига айланмоқдалар. Ри-
вожланган давлатлар тажрибасига эътибор қарат-
сак, уларнинг кўпчилигида бу йўналишдаги ҳуқуқий
ҳужжатлар бир неча йиллар муқаддам яратилган
нишонга кўрамыз. Масалан, Германияда ёшлар учун
зарарли ахборотларни таъқиқловчи қонун амал
қилмоқда. Буюк Британия қонунларига мувофиқ,
ТВда ҳам, кинотеатрда ҳам фильмлар ёш нукта-
назаридан сараланади. Японияда тижорат каналла-
ри миллий уюшмаси ва Телерадио стандартлари
бўйича миллий кенгаш вояга етмаганларни ана шун-
дай маълумотлардан асрашни назарда тутадиган
ҳужжат ишлаб чиққан.

3»»

Мафқура

Сиёсий таълимда иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ

МАЪЛУМКИ, БУТУНГИ КУНДА БАРЧА
СОҲАДА ЧУҚУРЛАШИБ БОРАЁТГАН
ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ
ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МАСЪУЛИЯТИ
ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

Зеро, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада
чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш
Концепцияси»да таъкидланганидек, ушбу ислохотларнинг
муваффақияти, авваламбор, ҳаётимизни янада демократ-
лаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатла-
римиз суръатига, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаол-
лигига ва ўз-ўзидан аёни, биринчи навбатда, партиялар-
нинг ғоявий етуқилик даражасига бевосита боғлиқдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги ва узоқ истиқболли
белгилар берган ушбу дастуриламал ҳужжатда ўз ифода-
сини топган стратегик вазифалар ҳар бир сиёсий партия
зиммасига алоҳида масъулият юклайди, албатта. Айни пай-
тда эса O'zLiDePнинг барча вилоят кенгашлари қосида
ташқил этилган «Сиёсий таълим марказ»ларида ана шу
масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

2»»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 14 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ
ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,
СТАТИСТИКА ВА БОШҚА ҲИСОБОТЛАРИНИ ҚОЙИШ, ШУНИНГЛАС, БОШҚА МАҲБУРИЙ ТЎЛОВЛАР УЧУН
ЛОЗИМЛИК ВАКОЛАТИНИНГ СЎММА НИСБАТАН ҚУЙЛАДИ ҚЎЙМАТНИ БЕЛГИЛАЙДИ:

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
мажбур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Австралия доллари ▲ 1954,01
1 Англия фунт стерлинги ▲ 2874,48
1 Дания кронаси ▲ 324,60
1 БАА дирҳами ▲ 495,66

1 АҚШ доллари ▲ 1820,56
1 Миср фунти ▲ 301,82
1 Исландия кронаси ▲ 14,92
1 Канада доллари ▼ 1822,02

1 Ҳитой юани ▲ 288,86
1 Малайзия рингити ▼ 602,14
1 Поляша злотийси ▲ 573,68
1 СДР ▲ 2824,43

1 Туркия лираси ▲ 1036,06
1 Швейцария франки ▲ 1994,04
1 ЕВРО ▲ 2402,96
1 Жанубий Корея юни ▲ 16,22

1 Япония енаеси ▼ 234,73
1 Россия рубли ▲ 60,90
1 Украина гривнаси ▲ 227,86

Парламентда

Фракция Омбудсман ҳисоботини эшитди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз муҳбиримиз

Тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижросини ўрганиш натижалари шунинг кўрсатмоқдаки, ханузгача айрим мансабдор шахсларнинг бизнес-тузилмалар фаолиятига аралашиб ҳолатлари учрамоқда. Шунинг учун ҳам О'зЛиДеР фракция аъзолари бу борада Омбудсман билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлашди.

Қонун тартибидоши навбатдаги масала — иккинчи ўқишда парламент кўйи палатаси муҳокамасига киритилган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси нафақат тадбиркорлар манфаатини инобатлаштириш, балки пировардида мамлакатимиз иқтисодий тартиб-шароитининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳам алоҳида эътироф этилди.

Маъмур қонун лойиҳаси Президент Концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда тақлиф этилаётган қўшимча ва ўзгартишлар чет эл инвестицияларини саноатнинг юқори технология соҳаларига жалб этишни янада рағбатлантириш, юртимизда инвестицион муҳитни янада мўтадиллаштириш, Ўзбекистонга сармоя олиб кىрувчилар фаолияти учун янада қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

«Чет эл инвестициялари» ва «реинвестиция» тушунчаларига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқлик киритиш, хорижий сармоядорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсади бу борада ҳам «ягона ойна» принципини жорий этиш, инвесторларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кىриш ҳуқуқини берувчи виза муддатларини имкон қадар

кўпроқ қўйиш ушбу қонун лойиҳасининг асосий предметларидан бири саналади. Албатта, тараққиётга интилган ҳар бир мамлакат, биринчи гада, ўз кучи, ўз имкониятларига таянган ҳолда ривожланиш моделини танлайди. Лекин фақат ички ресурслар ҳисобигагина катта доволарни забт этиш кийин.

Фракция аъзоларининг таъкидлашларича, Ўзбекистондаги қўлай инвестицион муҳит чет эллик инвесторлар эътиборини тортаётгани бежиз эмас. Айниқса, 1998 йилда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши хорижий сармоядорлар ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишининг кафолатига айланди. Лекин орадан ўтган шунча вақт, иқтисодиётни тўдан модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланш юзасидан замоннинг ўзи олдимизга қўйётган қатъий талаблар, жаҳон молиявий инқирозини шароитида ҳар қандай ўзгаришларга мослашувчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ инвестиция жалб этиш жараёни маъмур қонун нормаларини қайта кўриб чиқишни такозо этмоқда.

— Мамлакатда қанчалек кўп инвестиция кириб келса, тадбиркорлик шунчалек тез ривожланади, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Қобилжон Тошматов. — Махсулот ишлаб чиқариш ҳамжи кескин ортади. Яъни ички махсулот таркибида кичик бизнес уланишининг ортиб бориши эса халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир. Сармоя миқдорининг кўпайиши эса бевосита сармоядорларга яратиб берилаётган шароитларга боғлиқ. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасига ана шундай нукта назардан ёндашиш мақсада мувофиқдир.

Фракция аъзоларининг



Сониқ 30МР олган сурат

фикрича, Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни тобора юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ, қўшимчилик ва енгил саноат, рағлим металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, кишлоқ хўжалиги махсулотларини сифатли қайта ишлаш, қўшимча қиймат улуши юқори бўлган рақобатбардор махсулотлар тайёрлашда ушбу қонун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хиз-

мат қилади. Бу эса О'зЛиДеРнинг дастурий мақсадларига ҳам тўла мос келади.

Ийгилишда муҳокама қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам О'зЛиДеР фракцияси манфаатларини инобатлагани билан депутатлар эътиборини тортди. Янги қонунда бизнес субъектларининг электр энергияси ва табиий газ билан узлуқсиз таъминлаш юзасидан кўриб чиқилди ва фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

жармаганлиги учун жавобгарлигини янада ошириш, хизмат кўрсатишни асосиз равишда тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ қўрилган зарарини ва олинмай қолган фойдани компенсация қилиш назарда тутилмоқда.

Ийгилишда, шунингдек, «Кредит ахборот алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингани муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди ва фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сиёсий таълимда иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Фарход ТУРҒУНБОВЕВ,
фалсафа фанлари доктори

Зеро, ушбу марказлар партия фаолиятининг дастлабки йилларида ўзига хос сиёсий қарашларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган.

Эндиликда О'зЛиДеР улар ёрдамида ўз электорати орасида партия рояларини изчил ва самарали тарғиб қилиш, кадрларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш имкониятига эга бўлмоқда. О'зЛиДеР Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитаси Концепцияда сиёсий партиялар олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, сиёсий таълим марказлари фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштиришга, уларни партия роялари ва вазифаларини амалга оширишга хизмат қиладиган кучли бўлинига айлантиришга ҳаракат қилмоқда. Зеро, ана шу тузилманинг фаолияти қўнғилдагидек ташкил этилгандагина бошқа тармоқлар ишида унуч ва самара бўлади. Бунинг учун,

энг аввало, сиёсий таълим марказлари ўқув дастурларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент асарлари, Фармонлари ва Қарорлари, маъруза ва нукталари мазмун-моҳияти чуқур сингдирилиши лозим. Ўқув жараёнида кўзга қўйилган партия раҳбарлари, ижтимоий фан намояндаси, давлат ва жамоат арбоблари, барча бўйиндаги халқ депутатлари ва меҳнат фахрийларининг иштирокини таъминлаш қутилган самарани беради.

Бугун сиёсий билимлар тарғиботида тарихий тажрибадан фойдаланиш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Буни Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш жараёнида юзата келган қизиқишлардан ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда партиянинг маъмур тузилмаси сиёсий таълим тизими учун зарур бўлган ўқув дастурлари, методик-услубий қўлланма ва тарқатма материалларни яратадиган тегишли режаларни ишлаб чиқадиган илмий марказ ҳамдир. Бинобарин, унинг бу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб

этади. Сиёсий таълимда эркин фикрни шакллантириш ҳамда мафқуралар ҳилма-хиллигини таъминлаш учун ўқув дастурларини ҳозирги замон талаблари асосида янгиланб бориш лозим, албатта. Бунинг учун ҳар бир маърузачидан чуқур билим ва катта маҳорат талаб қилинади. Соҳа мутахассислари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш орқалигина партиянинг ўзига хос сиёсий йўлини электрорат орасида самарали тарғиб ва ташвиқ қилиш мумкин.

Концепцияда илгари сурилган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижтимоий шериклик асосида фаолият юритишга ўтказиш масаласи ҳамкорлик тузилмалар билан биргаликда қўшма ўқув-тадбирлари ишлаб чиқиш вазифасини ҳам қўн тартибига қўймоқда. Бундан ташқари, «Махалла» хайрия жамғармаси жамоат фонди, «Қамолот» ёшлар ижтимоий харакати, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият ва маърифат илмий-тарғибот маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мустақил мониторинг қилиш институти, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан

ҳамкорликни кенгайтириш мақсада мувофиқлигини таъкидлаш жоиз.

Марказлар қошида раҳбар кадрлар ва маҳаллий кенгаш депутатлари учун сиёсий таълимни йўлга қўйиш фойдадан холи эмас. Бу ўринда гап сиёсий таълим дастурлари бўйича ахборот ва маъруза матнлари тайёрлаш, раҳбар кадрлар ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларининг мустақил ўқувини ташкил қилиш устида бормоқда. Сир эмаски, бугунги глобал ахборотлар даврида партия ўқуви тизимида изчиллигини таъминлаш, бошланғич ташкилотлар билан ишлашда юқори самардорликка эришиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада туман ва шаҳар кенгашлари, БПТ раҳбарларига босма ҳамда электрон материаллар тайёрлаб тарқатиш ҳам яхши самара беришини унутмаслик лозим.

Сиёсий таълим марказлари фаолияти бевосита замонавий техника таъминоти, махсус жиҳозланган аудиториялар, алоқа ва коммуникация тизимига ҳам бевосита боғлиқ жараёндир. Ҳозирги тезкор ахборот алмашинуви даврида фуқароларнинг бу борадаги

ҳуқуқ ва эркинликларини замонавий техника воситаларисиз рўёбга чиқариб бўлмайди. Зеро, инсон онги ва қалбини ағалаш учун дунёда бошланғич кетган ўзига хос «пойта» биздан жойларда янги, замонавий ахборот тизимларига эга бўлишни талаб қилмоқда. Ана шу каби муҳим вазифалар О'зЛиДеРнинг диққат марказида бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2010 йил 17-18 июнь кунлари Тошкентда ўтказилган «О'зЛиДеР мафқураси: янги бошқиб вазифалари» мавзусидаги семинар-ишчиликда сиёсий таълим марказлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарур йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилган эди. Бир сўз билан айтганда, сиёсий таълим тизими, партия мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этиш, жойларда улар ижросини таъминлаш, қолаверса гоёяни етук ва солаҳиятли кадрлар тайёрлаш муҳим ўрин тутаетир. Шундай экан, сиёсий таълим жараёнини такомиллаштириш, ўқув махсулотларини замонавий ахборот воситалари билан таъминлаш яхши самара беришини унутмаслик лозим.

Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларида бўлиб ўтаётган йиғилишларда Президентимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ва ислохотларнинг изчиллиги учун барча бирдек иштирок этиши муҳим экани алоҳида таъкидланмоқда.

«Мустаҳкам оила йили»

2012 йил Қашқадарёда ҳам бунёдкорлик йили бўлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Бу 170 км масофани ёки 7 соат вақтни тежаш имконини берди. Қора Дарёна қишлоғи яқинидаги Қонсой устида қўрилган кўприк узунлиги 234,2 метр, баландлиги эса 45 метрни ташкил этмоқда. Айни пайтда туманимизда 4 мингга яқин тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Электр энергиясини тежовчи лампочка, қандолатчилик, печенье ва макорон ишлаб чиқарувчи цехлар фаолият кўрсата бошлади. Мен ўз фаолиятимни 2002 йилда қандолат махсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаган эдим. Кейинчалик макорон, нон, қолипчи нон тайёрлашни йўлга қўйдик. «Бешбўлак» иссиқ нон ишлаб чиқариш қорхонасида бир ойда 14 тонна қолипчи нон, 4 тонна оби нон, макорон ва қандолат махсулотлари тайёрланапти. Айни пайтда бу ерда 16 нафар ёшлар иш билан таъминлангандир.

Президентимиз маърузасида ёшларнинг билим олишлари ва касб-хунарга ағалашлари учун ҳамхўрлик янада кучайтирилиши зарурлиги ҳақидаги фикрларини эшитиб, бошим омонга етди, — дейди Яққаб тўман Маишнинг хизмат касб-хунарга коллежи талабаси Наргиза Мойлиева. — Дарҳақиқат, Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган ҳамхўрлик туғайли биттирувчиларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Туманимизда ҳам бу йил 5 минг 800 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилмоқда. Унинг 825 таси фермер хўжалиқларини ривожлантириш, 345 таси тадбиркорлик, 482 таси оилавий бизнесни йўлга қўйиш хисобидан яратилади.

Юртимизимиз маърузасида мамлакат бўйича кейинги икки йилда 15 мингдан ортиқ замонавий уй-жойлар барпо этилгани таъкидланди, — дейди вилоят ҳокимилиги матбуот маркази раҳбари Рафқ Ражабов. — Қашқадарёда ҳам аҳолини айниқса, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

«Ёшлар қаноти»

жой билан таъминлашга эътибор қўйилган. Ўтган йили 805 та уй қўрилган бўлса, бу йил 870 та ана шундай замонавий лойиҳалар асосида уйлар барпо этилади. Буларнинг барчаси юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар натижасидир. Айниқса қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этилаётгани юзлаб оилалар қувончига сабаб бўлмоқда.

Президентимиз маърузасида тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, агротехник тадбирларни вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш борасида ҳам қимматли фикрлар билдирилди, — дейди Муборак туманидаги «Азамат» фермер хўжалиги раиси Абдуҷаббор Хайитов. — Бугун вилоятимизда 7139 та фермер хўжалиги бўлиб, уларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик махсулотлари асосан замонавий минитехнология ва ихчам ускуналарда қайта ишланмоқда. Фермер хўжалигимизда ҳам макорон цехи ишла туширилди. Натижада 10 нафар ёш йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлдилар. Бундан ташқари 2 гектар ерда балкичиликни йўлга қўйдик. Фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатадиган инфраструктура кўн сайин яхшилашиб бораётгани етиштирилаётган махсулот ҳажминини кўпайтириш ва фермер хўжалиқларининг иқтисодий самардорлигини оширишга хизмат қилапти.

Давлатимиз раҳбари томонидан «Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала — бу хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришдан иборат» дея таъкидланди — дейди О'зЛиДеР вилоят кенгаши аъзоси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Улоҳ Ярашев. — Шаҳрисабз туманида жорий йил инвестиция дастурига қўра 84 та янги лойиҳани амалга оширишни режалаштирилган. Уларнинг 37 таси озиқ-овқат махсулотлари,

8 таси ноозиқ-овқат, 15 таси қурилиш материаллари, 24 таси хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга ихтисослашади. Натижада 1076 та янги иш ўрни яратилди. Бу лойиҳалар учун оз эмас, кўп эмас 19 миллиард 620 миллион сўм ва 900 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этиш қўзда тутилмоқда. Президентимиз маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бачишланган йиғилишда туманда ҳар бир соҳани ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар ва масъуллар белгилаб қўйилди. Шунини ишонч билан айта оламизки, меҳнатқаш, янгиланиш иштирокчиси ва ташаббускор халқимиз Юртимизимиз маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этадилар.

Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларида бўлиб ўтаётган йиғилишларда Президентимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ва ислохотларнинг изчиллиги учун барча бирдек иштирок этиши муҳим экани алоҳида таъкидланмоқда. Шу ўринда жойларда айниқса, маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллани оилавий бизнес ўчоғига айлантириш, қишлоқлардаги бўш ётган ерлардан унумли фойдаланиш, томорқа хўжалигини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш борасида тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Оқсак кўтаринкилик ва ишчанлик руҳида ўтаётган тадбирларнинг фарқли томони шундаки, улар самимий мулоқотлар ва давра суҳбатлари шаклида ташкил этилмоқда. Қашқадарё вилоят ҳокими, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Турбожон Жўраев, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, бошкарма бошлиқлари ва депутатлар иборат вилоят ишчи гуруҳи вакиллари фаол иштирок этаётган йиғилишларда Президентимиз маърузасида белгилаб берилган вазифалар Қашқадарёнинг бугунги ва эртасини янада фаровон этишга хизмат қиладиган қатъий ишонч билдирилмоқда.

ФАҚАТ ЁШЛАР БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАЯПТИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шу ўринда, 2011 йилда «Ёшлар қаноти» томонидан ташкил этилган қатор тадбирлар навиқрон авлод вакиллари турли ёт иллатлар ва зарарли юзлардан асрашга қаратилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, ёшлар ҳокимилиги, Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мониторинг қилиш институтини вилоят минтақавий бўлими, ақлия бошкармаси, ўрта махсус касб-хуна таълими худудий бошкармаси, «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатларида турли мавзуларда маърузалар ўқилди, шунингдек, жамиятимиз учун бутунлай ёт юзларнинг моҳияти ва оқибатларига оид видеороликлар намойиш қилинди. Маҳаллалар, мактаб, академик лицей, касб-хуна коллежи ва олий ўқув юртларида ўтказилаётган бундай тадбирларда экология ва табиат, диний экстремизм, терроризм, гнѐхвандлик ва одам савдоси билан боғлиқ масалаларга ҳам кенг ўрин ажратилмоқда.

Агар 2009-2010 ўқув йилида академик лицей ва касб-хуна коллежларини битирган 24360 ўқувчиларнинг 20587 нафарини муҳим иш билан таъминланганини, уларнинг 359 нафарини олий ўқув юртларида қабул қилинганини инобатга олсак, Хоразмда ёшлар масаласига жуда катта эътибор қаратилаётганига тўғрисиз бўлмас. Бу натижаларда ҳам «Ёшлар қаноти» фаолларининг ўзига хос ҳиссаси бўлди, дейиш мумкин.

— Тўғри, ўтган йилги натижалар билан қаноатланиб бўлмайди, — дейди Ж.Жуманиёзов. Мақсадимиз фақат ёшлар масалалари билан шуғулланишдангина иборат эмас, албатта. Балки партия вилоят кенгаши томонидан режалаштирилган барча тадбирларда фаол иштирок этиш, хусусан, Сиёсий таълим маркази, «Аёллар қаноти», Тадбиркорлик маркази билан янада яқинроқ ҳамкорликда иш олиб бориб, О'зЛиДеР дастурий юзларини амалиётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўиш баробарида партияимиз сафарларини замонавий фикрлайдиган, ташкилотчилик қобилиятига эга фаол ёшлар билан бойитишни ҳам ният қилганимиз.

Шўхрат РАХИМОВ тайёрлади.

Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг ягона йўли бор.

Ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги тезкор даврда соҳага оид қонунчилигимизни ҳам шунга муносиб равишда такомиллаштириш, маънавий-маърифий соҳадаги ишлар таъсирчанлигини ошириш, ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш, информацион хуружлардан ҳимояланишнинг психологик кўникма ва малакасини, маънавий иммунитетни ривожлантириш лозимлигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётини қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни қалғинишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам Интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг ягона йўли бор: яъни ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажрата оладиган, қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон-этиқодли, миллий ва умминсоний қадриятлар руҳида тарбия тошган инсонлар этиб вояга етказишдир.

ЯНГИ ДАВР ЯНГИ ҚОНУНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

— Мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ёш авлоднинг кенгрок ахборот олиш ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, уларни маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этаётгани сир эмас. Бундай фаолият самардорлигини оширишда эса оммавий ахборот воситаларининг маъсулиятини қучайтириш ниятда муҳимдир.



Абдурашид ЖУРАБОВ,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Этироф этиш жоизки, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайиши учун зарур бўлган мустақам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилган. Хусусан, вояга етмаганлар ҳуқуқларида доир 100 дан ортиқ қонун қабул қилинган бўлиб, улар халқроқ ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига ҳамоҳансдир. Улар вояга етмаганлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз истеъдод ва қобилиятларини намойиш этишлари учун хизмат қилмоқда.

Видеоконференцияда муҳокама қилинган мавзунинг аҳамиятини чуқур таҳлил этиш асосида ахлоқий ривожланишга эриштирадиган ахборотлардан ҳимоялашнинг учун алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати юзага келганини таъкидлаш лозим. Зеро, ушбу қонун глобаллашув жараёнида ёшларни зарарли ахборот оқимларидан ҳимоялаш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид тизимли ишларнинг ҳуқуқий асосини яратишга хизмат қилади.

Қун тартибидида масаланинг қанчалар долзарб эканини қатъий қарашнинг фаоллиги ҳам кўрсатди. Унда Фарғона, Самарқанд ва Нукус шаҳарларидаги ёшлар қатор тақлиф ва мулоҳазалар билдирганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Албатта, ахборот асрида «ёпирилди» келаятган турфа маълумотлардан тўғри фойдаланиш, хусусан, носоғлом ахборотлар хуружидан ҳимояланиш учун муайян билим ва тажриба керак. Бундай ҳолатда қатталарнинг, айниқса, ота-оналар ва педагогларнинг маънавий-руҳий кўмаги ниятда муҳимдир.

БУ РАҚАМЛАР НИМАНДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ?

— Ахборот инсоният тараққиётининг барча босқичларида муҳим аҳамият касб этиб келган бўлиб, эндиликда унга эгаллик, замонавий ахборот тизимларининг шаклланишидаги ҳар қандай мамлакатнинг демократик ривожини белгилловчи омилга айланган. Ўзбекистонда бу соҳада амалда оширилган изчил ислохотлар, яратилган қонунчилик базаси, алоқа ва телекоммуникация тизимида олиб борилган технология модернизация ишлари тўғрисида унинг жадал ривожланишига қўшилган қўшқини таъкидлаш мумкин.



Шукрат АТАМУХАМЕДОВ,
Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари:

Бугун юртимизда 1032 та Интернет-кафе, 939 та Интернет провайдер, 187 та ахборот-ресурс маркази, «ZiyoNET» ёшлар портали, 1026 та ахборот-кутубхона муассасаси фаолият юритмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар сонини эса 9 миллионга яқинлашиб қолди. Буларнинг барчасини фуқароларимизнинг, хусусан, ёшларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқи ифодаси, дейиш мумкин.

Глобал ахборот маконида реал кўз билан қарасак, кенг жамоатчиликни ҳавотир ва таъвнинг солаётган муаммолар ҳам етарли эканига амин бўламиз. Улардан бири, шубҳасиз, «информация бозори»да носоғлом манфаатлар, эътибор ва қарама-қаршиликлар таъсиридаги агрессив ахборотларнинг тобора «арзон»лашаётганидир. Бугун Интернетда ўз жониға қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 минг, эротик мазмунга эга 4 мингдан



Соллик ЗОИР олган сурат

зиёд сайт мавжудлиги ҳар биримизни мушохадда қилишга ундаши керак. Мутахассисларнинг фикрича, айни пайтда дунёда болалар ва ўсмирларнинг 42 фоизи «онлайн-портнография» таъсирига тушаётган экан. Ёки компьютерларга киритилган ўйинларнинг 49 фоизи зўравонлик ва ёвузликни, бешафкат уруш, қотиллик, отишмалар ёки портлатишларни тарғиб қилишдан қандай мақсад кўзда тутилган ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистондаги doiga.uz, vsetut.uz, sindfosh.uz, muloqot.uz, olam.uz каби сайтларда рўйхатдан ўтганларнинг қамлиги эса миллий сайтларимизни ёшлар учун янада жозибадор, мазмунли, қизиқарли, ўзига тортувчи этиб яратиш лозимлигини англатади, албатта.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ

— Носоғлом ахборот оқимидан ёшларни ҳимоялаш учун халқаро миқёсда қандай ҳуқуқий механизмлар мавжуд, деган савол тунилиши табиий. Бу борада сўз борганда, «Кибер жиноятлар тўғрисида»ги Конвенция, «Вояга етмаганлар учун ҳафсиз Интернет ва он-лайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида»ги Европада Иттифоқи парламент ассамблеясининг тавсиялари, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги БМТ Конвенциясини, «Ёшларни ҳимоялаш тўғрисида»ги Германия, «Вояга етмаганларнинг оммавий ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида»ги Литва ва «Болалар соғлиги ва ривожланишига эриштирадиган ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида»ги Россия қонунларини таъкидлаш мумкин.



Нуриддин МУРОВОТОВ,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

АКШда 2001 йили қўлга қирган қонунга асосан, давлатдан молиявий кўмак олувчи оммавий муассасаларнинг барчаси «контент фийлириш» тизимини ўрнатишга мажбур экани қатъий белгиланган бўлиб қўйилган. Ва ўша йилнинг ўзига 74 фоиз мактаблар, 43 фоиз кутубхоналар, 41 фоиз оилалар (Интернетга чиқиш имкониятлари борлари) қонун талабига қўра ушбу тизимга ўланган. Буюк Британияда алоҳида бир ташкилот (Internet Watch Foundation) доимий равишда ноқонуний ахборотларни мониторинг қилиб боради.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг механизмлари мавжуд. Хусусан, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шайқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар манъ этилиши, «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса порнография, шайқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳдидловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш таъқиқланиши белгиланган бўлиб қўйилган.

ТАҲРИРИЯТДАН: Экранидаги эркак эпидемияси — инсон психологияси билан шуғулланидиган экспертлар Интернет жодусига ана шундай таъриф бермоқдалар. Бу фикрга қўшилмаслик қийин, албатта. Аслида мобил телефон, компьютер ва ТВ экран олдида соатлаб миклашиб қолганининг дастлабки сабаби ҳам эркакка бориб тақалмайди. Тутунинг ағчинини кўри билди, деган ҳикматга амал қилган ҳолда, бир неча йил бурун экран эпидемиясига қалинган ва ушбу ҳасталиқдан баъзур қутулган ҳамюртларимизнинг айтишича, ҳаммаси жуда жўн ва оддий ҳолатда бошланган: дастлаб аёл чархлайди деган ниятда «қўйик» йиқсан, «пояга» ўйнаган, кейин «сапёр» бўлиб бомба излаган, қўлига ўқотар қуролларини олган. Оқибатда ишда унум, ҳондонда ҳаловат йўқолган. Болаларнинг диригида рангли телевизор ва видеоманитонлар кириб кела бошлаган йилларда кечган. Айтмоқчиманки, ўшанда ҳам ҳозиргидек муаммо — қўн давомидида экран олдида миклашиб ўтириш, фойдасиз фильмларни томоша қилиш, уларданги қаҳармонларга таъсид қилиш иллати юзага келган эди. Ана ўша «боткоқ»дан бизни тортиб олиш учун ўнгитувчимиз бир усул қўлаган: у ҳар қун дарс бошлаган аввал янги китоб олиб келар, энг юзлик жойидан парча ўйиб беради, шундан кейин сабоқни бошлайди. Аммо ҳеч қачон мана шу китобни ўқинлар, демасди. Шу тариха синфдошларимизнинг ақсари янги видеодан узоқлашиб, мутлолаага берилган эди. Бугунги ёшларни экран эпидемиясидан ҳимоя қилиш учун ҳам юқоридагидай усуллар орқали китобхонликни, электрон мутлоани кенг тарғиб қилиш наф келтириши аниқ. Зотан, китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-ҳидроқнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётини ўргатувчи мураббийдир. Биз роилар қураш даврида яшаймиз. Замон ва маконда турли манфаатлар тўқнашаётган

БУ «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ЖОДУСИДИР

— Ахборотларнинг салмоқли қисми Интернет орқали тарқалаётган ҳозирги даврда айрим ахборотлар базини ғаразли куч ва марказлар томонидан муайян стратегик мақсадларни қўлаб тарқатилаётгани бонс Интернет ахборот хуружларининг асосий қуролга айланиб бормоқда.



Гулом МИРЗАЕВ,
Республика Маънавият тарбият маркази раҳбари:

Мафқуравий таҳдидлар, аввало, ёшлар онгини эгаллашга йўналтирилган бўлиб, «оммавий маданият» деб қаралаётган мазкур иллат халқимизнинг маънавий ҳазинаси бўлган одоб, ахлоқ, шарм-ҳаё, ифрат-андиша каби юксак фазилатларимизга таъовуз қилиб, қўн минг йиллик миллий қадриятларимиз илдизига пўтур етказаяётгани ҳам, таассуфки, бор гап. Халқроқ май-донда қучайиб бораётган бундай таҳдидларга қарши туриш учун маънавий-маърифий ишларни қучайтириш, ёшларимизни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш энг долзарб вазифа бўлиши лозим. Зеро, ҳар биримиз мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизни асрашга лоқайд муносабатда бўлмаслигимиз керак. Ушбу йўналишда оила-мактаб-лицей-маҳалла тизими доирасида ота-оналар, таълим муассасалари, маҳалла, «Қамолот» ЕИХ, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга ошираётган тизимли маънавий тарбият ишларимизни янада қучайтиришимиз талаб этилади.

Ана шу вазифалар ижроси йўлида мавжуд 9 минг 400 дан зиёд мактабнинг 96 фоизи бугунги кунда «ZiyoNET» электрон ахборот тармоғига ўланган. Эндиликда ушбу порталга ҳар қун 20 минг нафардан зиёд фойдаланувчи мурожаат қилмоқда ва уларнинг ақсари янги мактаб ўқувчиларидир. Мазкур тармоқ ташкил этилган Интернетдан фойдаланувчиларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш билан бирга, уларнинг манфаатларига мос ахборотларни қўлайитириш, турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар билан халқимизни, айниқса, ёшларимизни таништириб боришга хизмат қилади.

ЭКСПАНСИЯГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТ КЕРАК

— Ҳақиқатан ҳам ахборот маконидаги реал воқелик ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартиб-га солувчи яхлит қонунга эҳтиёж туғилаётганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам қўмитамиз аъзолари томонидан вояга етмаганларни соғлиги ва маънавий-ахлоқий ривожланишига эриштирадиган ахборотлардан ҳимоялашга қаратилган алоҳида қонун лойиҳасини



Фахриддин СОЛИЕВ,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

«Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келгани, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Бундай ахборот воситаларига асосан ёшларнинг жуда катта қизиқиш билан қараш ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас».

Ислом КАРИМОВ

ишлаб чиқиш юзасидан тегишли ишлар олиб боришмоқда.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади болалар ва ўсмирларни психологик, жисмоний, маънавий-ахлоқий ривожига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоялаш, уларнинг қомил инсон бўлиб етишишлари учун қўлай муҳит яратишдан иборат. Бунинг учун эса ахборотларни ёшлар ўртасида тарқатиш мумкинлигини баҳоловчи экспертизани ташкил қилиш, Интернетга ҳафсиз киришнинг технологияси жиҳатини таъминлаш ва ахборот тизимларида зарарли маълумотларга чекловлар жорий қилиш лозим.

Маълумки, замонавий коммуникация воситалари бизни глобал ахборот макони билан боғлаб, маълумот олиш ва тарқатиш географиясини ҳам кенгайтиради. Бу ижобий ҳол, албатта. Бирок, ахборот маконидида турли таҳдидлар бор экан, келажакимиз воситалари учун соғлом ахборот муҳитини яратиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири сифатида белгиланган бўлиб қўйилган. Бу ижобий ҳол, албатта, уларни мустақил фикрлайдиган, ахборотни фарқлай оладиган, ўзини-ўзи бошқарадиган, Ватан туйғусини чуқур англайдиган инсонлар бўлиб етишишлари учун олиб борилаётган тарбиявий ишларни янада қучайтириш билан бирга, ривожланган давлатлар амалиётидан келиб чиқиб, ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимининг қонуний механизмларини ҳам такомиллаштиришимиз лозим.

О'ZLiDeP «ХАВФСИЗ ИНТЕРНЕТ» ЛОЙИҲАСИГА КИРИШДИ

— О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан яна бир янги ташаббус — Интернетнинг ёшларга салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган «Хавфсиз Интернет» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда, аввало, ёшларнинг «Оғох бўлинг, ёт ғоя!» ва «Ахборот алмашиш одоби», «Интернетдан фойдаланиш маданияти» каби мавзуларда турли ақиялар — давра суҳбатлари, учрашув ва очик мулоқотлар ўтказиш белгиланган.



Фуркат ХОТАМОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарат раҳбари:

Иккинчидан, Интернет орқали тарқатилаётган ахборотлардан фойдаланиш тизимини тартибга солиш мақсадида компьютерлар ёрдамида амалга оширилган филтрибгарлик ва сунъий молиқлар тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тақлифини илгари суриш ҳам лойиҳа ташаббускорларининг режаларидан ўрин олган.

Учинчидан, болалар ва ўсмирларнинг Интернет-кафе ва компьютер клубларида маънавий-ахлоқий бузуқликни тарғиб этувчи сайтларга киришга барҳам бериш мақсадида ваколатли ташкилотлар билан махсус рейдлар ўтказиш ҳамда таъқиқланган сайтларга кириш имконини бермайдиган «Cyberparents» дастурини ишлаб чиқишга таййаргарлик кўраймиз.

мураккаб давр бор. XXI аср ахборот коммуникациялари беинс тараққий этаётган мингйиллик саналарни учун унинг ижобий роилаларидан унумли фойдаланиш ҳолда, салбий жиҳатларидан сақланганимиз лозим. Спорт беллашувларида пишиқ-пухта тактикасиз ғалаба қозониб бўлмаганидек, қоялар қурашида ҳам миллий ғояни, унинг моҳиятини тўла англамай муваффақият қозониб бўлмайди. «Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти» мавзусидаги видеоконференциянинг айлани Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона жойлашган «Маърифат маркази»да ўтказилгани ҳам шунга инпоридир. Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги тезкор даврда соҳага оид қонунчилигимизни ҳам шунга муносиб равишда такомиллаштириш, маънавий-маърифий соҳадаги ишлар таъсирчанлигини ошириш, ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш, информацион хуружлардан ҳимояланишнинг психологик кўникма ва малакасини, таъбир жоиз бўлса, маънавий иммунитетни ривожлантириш лозимлигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Шунингдек, халқроқ ахборот майдонини миллий ресурслар билан бойитиш, янги авлод вакилларининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда дастурий махсусотлар ва мультимедиа воситаларини яратиш зарур. Мазкур тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам ёшлар тарбиясига мутасадди бўлган барча марказий ва ҳудудий ташкилотлар, муассасалар, фуқаролик жамияти институтлари бўлгандаги фикр-мулоҳазаларини библи, ёш авлодининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кенг миқёсда рўйбга чиқариш, уларни маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга замин яратишдир.

Саҳифани Озод РАҲАБОВ тайёрлади

Тараққиёт йўлида дадил одимлаётган воҳа

МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, 2011 йилда СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ХУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 14 ЛОЙИХА бўйича 12,6 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ ҚИЙМАТИДАГИ Тўғридан-тўғри ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ўзлаштирилди

Мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани натижасида 588 та савдо-манший хизмат кўрсатиш шохбаси, 2 минг 100 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида барча манбалар ҳисобидан 266,5 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, тижорат банклари томонидан 183,9 миллион сўм кредит ажратилди.

— Амалга оширилаётган ишлар вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш баробарида аҳоли бандлигини ҳал этишда муҳим омили бўлмоқда, — дейди вилоят Мехнат ва аҳолини иқтисомий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Эркин Менглиев. — Янги корхоналарни ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш эвазига ўтган йил 65 минг 600 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 58 мингдан ортиғи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истикболсиз корхоналарни таркибий ўзгариш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий дастури» асосида қиймати 14 миллиард сўм ва 7,9 миллион АҚШ долларига тенг 41 лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг 21 таси озик-овқат ва 20 таси ноозик-овқат соҳасида ишга туширилиб, 600 та янги иш ўрни яратилди.

Шу ўринда айтиш керакки, хусусий секторнинг ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётгани вилоятни иқтисомий-иқтисодий юксалтириш учун ҳам кенг имконият яратмоқда. Бир пайтлар вилоятдан четга жўнатишган хом-ашёни шу ернинг ўзидан қайта ишлаб, экспорт қилиш йўлга қўйилди. Масалан, бундан бир неча йил аввал «Surxon-Termiz-Silk» хусусий корхонаси ташкил этилиб, етиштирилаётган шилла хом-ашёсининг бир қисmini шу ерда қайта ишлаб, экспорт қилиш йўлга қўйилди. Масалан, бундан бир неча йил аввал «Surxon-Termiz-Silk» хусусий корхонаси ташкил этилиб, етиштирилаётган шилла хом-ашёсининг бир қисmini шу ерда қайта ишлаб, экспорт қилиш йўлга қўйилди. Масалан, бундан бир неча йил аввал «Surxon-Termiz-Silk» хусусий корхонаси ташкил этилиб, етиштирилаётган шилла хом-ашёсининг бир қисmini шу ерда қайта ишлаб, экспорт қилиш йўлга қўйилди.

— Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонамиз тўла қувват билан иш бошлаб, 120 дан ортиқ хотин-киз иш билан таъминланиб, йилгига икки миллион АҚШ доллари миқдоридан сифатли ип-кавала Хитой, Хиндистон, Озарбойжон ва бошқа давлатларга экспорт қилинади, — дейди қўшма корхона директори Шавкат Тоиров.



**ЎТГАН ЙИЛИ
ВОХАНИНГ
ЭКСПОРТ ҲАЖМИ
203,8 МИЛЛИОН
АҚШ ДОЛЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТДИ.
ТЕХНИК ВА
ТЕХНОЛОГИК
ҚАЙТА
ЖИҲОЗЛАНГАН
КОРХОНАЛАРДА
МАХСУЛОТ
СИФАТИ ОШИБ,
ЭКСПОРТ
САЛОҲИЯТИ
КЕНГАЙДИ. 2011
ЙИЛИНИНГ ЎЗИДА
ТЎРТТА ҚЎШМА
КОРХОНА БАРПО
ЭТИЛИБ,
УЛАРИНИНГ СОНИ
51 ГА ЕТДИ.**

— Хориж ускуналари билан жиҳозланган корхонада меҳнат қилиб, оилавий бюджетимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман, — дейди калава ип ўрвчи Шахло Жўраева. — Бу ерда ишлаётганимга унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бирок, замонавий хориж ускуналарини бошқаришни ўрганиб олдим.

Ха, чиндан ҳам вилоятни иқтисомий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган кенг қўллаб-қувватлаш ишлари самараси ўларок, 2011 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 110,9 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 107,5 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 109,1, жами хизматлар ҳажми 120,4 фоизга бажарилди. Капитал қўйилмалар, пудрат ишлари, чакана савдо айланмаси ва бошқа кўрсаткичларда ҳам сезиларли ўсиш кузатилди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 73,8 фоизни ташкил этди. Пилла, дон, пахта, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштиришда салмоқли кўрсаткичларга эришилди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий якунилари ва 2012 йилда Ўзбекистонни иқтисомий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъ-

қилдганидек, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Бунинг сурхондарё вилояти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Хусусан, ўтган йили воҳаниннг экспорт ҳажми 203,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Техник ва технологик қайта жиҳозланган корхоналарда маҳсулот сифати ошиб, экспорт салоҳияти кенгайди. 2011 йилнинг ўзидан тўртта қўшма корхона барпо этилиб, уларнинг сони 51 га етди.

«Мустаҳкам оила йили»да эса вилоятда қиймати қарийб 119,5 млн. АҚШ долларига тенг 65 та истикболли лойиҳа амалга оширилиб, 2015 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 45 фоизга ошириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2011 йилдаги 8,1 фоиздан 2015 йилда 12 фоизга кўпайтириш режалаштирилган. Ер ости хом-ашёларини қайта ишлаш, қимё, озик-овқат, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда бир ярим баробардан зиёд ўсишга эришилди. Пахта толасини маҳаллий шароитда қайта ишлаш ҳажмининг ошириб, кўпроқ жаҳон бозорига рақобатбардор калава ип ишлаб чиқаришни, тайёр трикотаж ва тикуччилик буюм-

лари, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини сезиларли даражада ошириш таъминланади.

Сурхондарёда хорижлик инвесторлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун қулай инвестицион муҳит, қулай шароит мавжуд. Воҳа иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани бунга яққол далилдир. Агар рақамларга мурожаат этсак, 2012 йилда барча манбалар ҳисобидан 750,7 млрд. сўмлик инвестиция ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Шундан, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан воҳада 80,5 млрд. сўмлик ёки 50 миллион АҚШ долларига яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Масалан, 2012 йилда «Мак менежмент сервис» компанияси томонидан Жарқўрғон туманида лойиҳа қиймати 46,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган цемент ишлаб чиқариш корхонасини қуриш учун 3 млн. АҚШ доллари, Швейцариянинг «ШВИСС КАПИТАЛ» компанияси томонидан вилоятда текстил комбинатини бунёд этиш лойиҳаси бўйича 5 млн. АҚШ долларига тенг инвестициялар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, вилоят ҳокимиятининг қарори билан тасдиқланган ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ, 2012 йилда лойиҳа қиймати 45,4 млн. АҚШ доллари ва қарийб 150 млрд. сўмга тенг 247 та, шундан 114 та озик-овқат, 38 та но-

озик-овқат, 55 та қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 40 та хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилди. «Ўзтекст-Термиз» қўшма корхонасида 20,1 млн. АҚШ долларига, Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекст» қўшма корхонасида ип калава ишлаб чиқариш учун 885 минг АҚШ доллари, «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан умумий қиймати 1 млн. АҚШ доллари ва 16 млрд. сўмга тенг бўлган собиқ «Сурхонпахта» ОАЖда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси ҳамда «Шўртан нефть газ» унитар корхонаси томонидан Саросиё туманида пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ип-калавани бўйлаб бўйича 4,2 млн. АҚШ долларига тенг инвестицион лойиҳалар ишга туширилди.

— Бу каби йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши вилоят иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни жадаллаштириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кўпайтиришда алоҳида ўрин эгаллайди, — дейди Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тўра Боболов. — Аҳолининг фаровонлиги ошади, турмуш маданияти юксалади. Юртимиз янада обод бўлади. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик, оқойишталик ва бунёдкор халқимиз меҳнатининг ёрқин самарасидир.

Фарход ТОШБОВ

Сўранг, жавоб берамиз!

ПОРА БЕРИШ ҲАМ, ОЛИШ ҲАМ — ЖИНОЯТ

Йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчи ўз айбини «жойида» ёпиш учун ЙПХ ходимиغا «совга» таклиф қилса, ўша ҳайдовчига амалдаги қонунчиликка асосан қандай чора кўрилади? ЙПХ ходими-чи?

А.Равшанов, Қарши шаҳри.

Бу саволга Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Х.Носирхўжаев жавоб беради:

Бундай ҳолатда ўша ҳайдовчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддаси квалификация қилинади.

Яъни пора бериш натижасида ҳайдовчи энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараварига миқдоридан жарима ёки уч йилгача аҳлқозутиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамқоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЙПХ ходими нисбатан эса бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 210-моддаси «Пора олиш» жинояти билан квалификация қилинади.

Пора олиш, яъни мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини қўллаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёҳуд мулкий наф қўриши энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараварига миқдоридан жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мусурмон РЎЗИЕВ тайёрлади.

Унга кўра, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Депутат минбари

Янги қонун таъминотчини эмас, тадбиркорни ҳимоя қилади

ПАРЛАМЕНТДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛМАСЛИГИ НАТИЖАСИДА ТАДБИРКОРЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНАЛАРДАН УНДИРИШНИ ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛОВЧИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Фахриддин КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Маълумки, энергия таъминоти шартномаси бўйича жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасида назарда тутилган бўлиб, унда шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ёки абонент етказилган зарарни қоплаб беради.

Бирок, энергия таъминотчини томонидан узрсиз сабабларга кўра, электр ёки газ етказиб берилмаслиги оқибатида тадбиркорлик субъекти олиши мумкин бўлган даромадлар, яъни бой берилган фойдани ундириш тартиби қонунчиликда назарда тутилмаган эди.

Гарчи истеъмолчиларга табиий газ ва электр энергиясининг узлуksиз етказиб берилишини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари мавжуд бўлсада, амалиётда мазкур турдаги шартномалар тузилиши ва бажарилишида камчиликларга йўл қўйилаётганини соҳа мутасаддиларининг ўзлари ҳам тан олмоқдалар. Жумладан, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан 2011 йилнинг август-сентябрь ойларида электр энергияси таъминоти корхоналари билан истеъмолчилар ўртасида тузилган 145 та шартноманинг қонунийлиги ўрганилганда, тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги белгиланиши бўйича бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланган. Шундан, тарафларнинг ҳуқуқлари белгиланиши бўйича 2 х минг 26 та, тарафларнинг мажбуриятлари белгиланиши бўйича 104 та ҳамда 11 минг 805 та бошқа турдаги камчиликлар топишган.

Ушбу камчиликларга йўл қўйилишининг асосий сабаби Фуқаролик кодексининг 477-моддаси биринчи қисмида энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Ушбу ўзгариш электр энергияси ва табиий газ етказиб берилмаслиги ёки кам етказиб берилиши натижасида тадбиркорлик субъектларига етказилган ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдани таъминотчи корхоналардан ундирилишига ҳамда таъминотчи корхоналарнинг шартномавий жавобгарликлари янада ошишига хизмат қилади.

Бу эса ўз навбатида энергия таъминоти шартномаси бўйича тадбиркорларнинг ҳақонлиги устуворлигини таъминлаб, энергия таъминотчиси зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Қулайлик

АНДИЖОН ШАҲРИДА ЎҚУВЧИЛАР УЧУН АВТОБУСЛАР АЖРАТИЛДИ

Андижон шаҳрида эрталаб ва тушда мактаб ўқувчиларига бепул автобуслар хизмат кўрсата бошлади.

«Шаҳрихўйловчиган» ва «Шаҳарйўловчиган» масъулияти чекланган жамиятларининг бундай ташаббусидан ота-оналар мамнун бўлмоқдалар.

— Тигиз пайтларда автобусларда болалар ўзларини ноқулай ҳис қилишлари турган гап.

Шу бонс мактаб ўқувчилари учун махсус рейсларни ташкил этишга қарор қилдик, — дейди

«Шаҳрихўйловчиган» МЧЖ директори Хусанбой Мирзаахмедов. — Дастлаб талаб катта бўлган йўналишларини ўрганиб чиқдик. Шаҳар халқ таълими бўлимида мактаб директорлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги шаҳар бўлими ходимлари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари билан келишган ҳолда 1 рақамли йўналиш энг қулай, деган ҳулосага келдик. Аввало, у вилоят марказининг асосий қўчалари бўйлаб ўтади. Иккинчидан эса ушбу йўналишда бир нечта, яъни 1, 2, 24, 30-сонли мактаблар ва бошқа ўқув муассасалари жойлашган.



ЎзХДП томонидан бундай муаммоларни фақат тадбиркорлар маданиятининг етишмаслиги билан боғлаш нафақат масалала юзаки ёндашиш, балки мавжуд муаммоларнинг асл сабаблари тўғрисида нотўғри хулосалар чиқаришга, уларнинг ечимини эса орта суришга ҳам олиб келиши мумкин.

Ноҳолис муносабатдан асл муддао нима?

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ЎЗ ХДПНИНГ АЙРИМ ФАОЛЛАРИ БАЁНОТЛАРИДА ЯНА ОДАМЛАР ОРАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ҲАҚИДА БОШҚАЧА ТУШУНЧА ВА ФИКРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲОЛАТЛАРИ КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Партия нашри орқали жамоатчиликка сингдирилган ана шундай фикрлар бугунги ислохотлар жараёнига нореал баҳо бериш, одамларни тадбиркорликдан узоклаштиришга йўналтирилган таассурот уйғотмоқда. Зеро, ХДП вакиллари-нинг фикрича, бугун ҳудудларда кичик ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этилаётганининг бош сабаби тадбиркорлик маданиятининг етишмаслиги-дир. Ўйинча ана шу омил жойларда инфратузилмани ривожлантиришга ҳалакат бериб, айрим ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган эмас.

Тўғри, ўз манфаати йўлида сохта обрў қозонишга интилиш ва жамоатчиликни турли йўллар орқали ўзига жалб этиш ЎзХДПнинг синалган усулларидандир. Лекин, мавжуд ҳолатни тўғри баҳоламасдан, О'ЗЛИДеР билан сунъий рақобатни юзага келтириш мақсади-дагина айтилаётган бундай фикрлар тобора иқтисоди-ётимизнинг етакчи кучига айланиб бораётган қарийб ярим миллионлик ўрта қатлам — мулкдорлар синфи томонидан амалга оширилаётган ишларни инкор этиш билан баробардир.

Бинобарин, айни пайтда жойларда тадбиркор-лики йўлга қўйишда ай-рим муаммолар мавжуд-лигидан ҳеч қим қўз юма-ётгани йўқ. Бу масалалар нафақат О'ЗЛИДеР балки ҳукуматимизнинг, қола-верса қўшлаг жамоат таш-килотларининг диққат марказида турибди. ЎзХДП томонидан бундай муаммоларни фақат тад-биркорлар маданиятининг етишмаслиги билан боғ-лаш нафақат масалала юзаки ёндашиш, балки мавжуд муаммоларнинг асл сабаблари тўғрисида нотўғри хулосалар чиқ-аришга, уларнинг ечимини эса орта суришга ҳам олиб келиши мумкин.

Ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъ-минлаш, маиший хизмат кўрсатиш тузилмаларини изчил ривожлантириш фақатгина тадбиркорнинг маданиятига боғлиқ жараён эмас. Аҳолининг қунакдаги эҳтиёжи учун зарур бўлган сарташшо-на, пойабзал таъмирлаш устаконалари, фотосалон-лар ва кимёвий тозалаш шахобчалари фаолияти талаб даражасида эмасли-гини тадбиркорлик мада-нияти ва замонавий иқти-содий-хукукий кўникма-ларнинг етишмаслиги («Ўзбекистон овози» га-зетасининг 7 февраль, 16-сон)ида кўраётган халқ демократларининг бу ма-салада қанчалар ҳато қилаётганларини Юртбо-шимизнинг 2010 йилда билдирган ушбу фикрла-

ри ҳам тасдиқлаб туриб-ди: «... Жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишнини, ўз бизнесини очишга интила-ётган хусусий тадбиркор-ларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амал-дорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлдан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман гов-тисқилар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмай-ди... Назорат органлари-га мансуб айрим мансаб-дорлар малакасининг па-стлиги хануз ўткир муам-мо бўлиб қолмоқда ва иш-мизига салбий таъсир ўтказмоқда». Конституци-ямиз қабул қилинганин-нинг 18 йиллигига бағиш-ланган тантанали маро-симдаги Президентимиз-нинг ушбу маърузасида жойларда тадбиркорлик-нинг ривожига тўсик бўла-ётган бошқа сабаблар ҳам атрофлиқ очиб берилган-ки, ушбу таҳлиллар асо-сида масалала комплекс ёндашиш асосидагина му-аммони келтириб чиқар-ган асл сабаблар аниқла-ниши ва уларни бартараф қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгила-ниши ҳамда амалга оши-рилиши мумкинлигини аниқлаб олиш қийин эмас.

Кейинги йилларда Савдо саноат палатаси ва Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан дои-мий асосда ўтказилаётган «Ўзбекистонда ишбилар-монлик фаоллиги индек-си», турли ижтимоий мар-казлар томонидан ўтка-зилаётган сўровлар, қола-верса нуфузли ташкилот-ларнинг бу борадаги из-лашлари натижасидан хабардор бўлган инсон (масалала ҳолис ёндашиш-ни мақсад қилган киши ҳеч бўлмаса ана шу таҳ-лиллар билан танишган бўларди) бирор бир ҳудудда тадбиркорлик субъектлари дуч келаёт-ган муаммолар сирасида «тадбиркорлик мадания-тининг пастиги ёки етиш-маслиги» деган тушунча киритилмаганига гувоҳ бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, истиқ-лолнинг дастлабки қуна-риданок, Юртбошимиз раҳнамолигида кичик биз-нес ва хусусий тадбиркор-ликка давлат сиёсати да-ражасида эътибор берил-ётганига қарамай, хали-хануз жойларда ҳўжалик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашув, сунъий ривашида бюрократ-лик тўсиқлар қўйиш ҳолатлари учрамоқда. Хусусан, Олий Мажлис-нинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудс-ман) томонидан 2011 йил-да кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорликни ри-вожлантириш орқали му-носиб ҳаёт кечирish ҳуқуқини таъминлаш юза-сидан ўтказилган монито-ринг таҳлиллари ҳам бун-дай салбий ҳолатлар сақ-ланиб қолаётганини кўрсатди. Тошкент шаҳри мисолида ўтказилган ушбу мониторинг натижа-лари ер, кредит ва тегиш-лий лицензия олишда му-аммолар мавжудлигини, айрим маҳаллий раҳбар-ларнинг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний

аралашаётганини, электр энергия, канализация ҳамда иситиш тизимлари-га уланишда қийинчилик-лар юзага келаётганини кўрсатди. Ана шундай му-аммолар туфайли пойтах-тда фаолият олиб бораёт-

ТЎҒРИ, ЎЗ МАНФААТИ ЙЎЛИДА СОХТА ОБРЎ ҚОЗОНИШГА ИНТИЛИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИ ТУРЛИ ЙЎЛЛАР ОРҚАЛИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТИШ ЎЗХДПНИНГ СИНАЛГАН УСУЛЛАРИДАНДИР. ЛЕКИН, МАВЖУД ҲОЛАТНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАМАСДАН, О'ЗЛИДеР БИЛАН СУНЪИЙ РАҚОБАТНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШ МАҚСАДИДАГИНА АЙТИЛАЁТГАН БУНДАЙ ФИКРЛАР ТОБОРА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАН ҚАРИЙБ ЯРИМ МИЛЛИОНЛИК ЎРТА ҚАТЛАМ — МУЛҚДОРЛАР СИНФИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ ИНКОР ЭТИШ БИЛАН БАРОБАР ЭМАСМИ?

ган 61093 та тадбиркорлик субъектларининг 7 фоизи бу-гун ўз фаолиятини тўхта-тишга мажбур бўлган.

Ёки бошқа бир ҳолат. Жорий йилнинг бошидаги ҳисоб-китобларга кўра, Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида жами кичик тадбиркорлик субъектлари сони 1900 тани ташкил этади. Аммо уларнинг 26 фоизи юкори-дагидек муаммолар сабаб-ли фаолият юритмапти. Туманда ўтган йили 7 та муҳим лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлсада, уларнинг ҳамма-си ҳам тўлиқ ишга туши-рилмаган. Хусусан, қийма-ти 340 минг АҚШ долла-ри миқдоридagi сутни қайта ишлаш ва 182 минг долларлик ишт заводини қуриш ишлари маҳаллий раҳбарларнинг уқувсизли-ги, ажратилган ер майдо-ни ва кредитларнинг вақ-тида берилмаслиги оқиб-атида тўхтаб қолган.

Ҳўш, бундай ҳолатлар-га ҳам тадбиркорнинг ўзи айбдор, уларнинг мадания-ти етишмаслиги сабаб дейиш ўринлимикин? ЎзХДП вакиллари-нинг ана шундай нукта наза-ри партиянинг оддий сай-ловчи муаммоларидан, охи-роқибда жамияти-мизда кечаётган ижтимо-ий-иқтисодий ислохотлар-дан етарли даражада ха-бардор эмаслигидан ҳам

ҳақиқатни ҳазм қила ол-маётгани эса ЎзХДП ва-киллари-нинг яна боқиман-даликини, давлат ҳисоби-га яшашни қўмаш таъминла-ридан воз кеча олмай-ди қишлоқликларини қўсатмай-дим?

О'ЗЛИДеР ЎзХДПдан фарқли ўлароқ ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутат-лик гуруҳлари, жойларда-ги фаоллари орқали тад-биркорлар муаммосидан хабардор бўлишга ва уларни имкон қадар ҳал қилишда иштирок этмоқ-да. 2011 йилда ҳудудлар-ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масала-рига доир 150 дан ортиқ депутатлик сўровларининг аксарияти тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя-лашга йўналтирилгани ҳам партия учун ушбу масала устувор бўлиб қолганини кўрсатди. Ушбу сўровларда ташкил этилаётган тадбиркор-лик субъектларининг сифатли коммуникация тизимига уланиш масаласидан тортиб, банк кредитлари-ни олишгача ўз аксини топган. Энг асосийси, тад-биркорларнинг ана шун-дай мурожаатлари ҳудуд-лий партия ташкилотлари, зарур ҳолларда партия Ижроия қўмитаси томони-дан назоратга олиниб, уларга имкон даражаси-

да ечим топишга ҳаракат қилинмоқда. Чунки, ҳар бир тадбиркор муаммоси айни пайтда бутун бошли қорхонанинг, унда фаоли-ят юритаётган ҳамюртла-римизнинг тақдири билан боғлиқ эканини унутишга

ҳаққимиз йўқ. Тўғри, жойлардаги ижроия ҳоки-миятларининг бундай му-рожаатлар юзасидан де-путатларга ҳисоб бериш амалиётига қўниқш ҳамма жойда ҳам осон ке-чаётгани йўқ. Лекин, қонунда белгиланган вако-латлар доирасида ишлаш-ни ўрганиш нафақат партиядан сайланган де-путатларни ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга, балки ижроия ҳокимияти вакиллари-нинг ҳам қабул қилинаётган қонунлар ижроси юзаси-дан ҳисоб бериш орқали масъулиятни ҳис этишга ўргатади. Демократик жараёнлар жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳала-рига чуқур кириб бораёт-ган бир даврда бундан бошқа йўл йўқ.

Албатта, бу — анчай-ин мураккаб, изланиш ва ҳаракатни талаб этувчи танлов. Бир қарашда «ХДП» ҳасига йўл тутиб барча муаммони тадбир-кор зиммасига юклаб, ай-бни унинг маданияти етарли эмаслигига йўйиб қўя қолиш, фақат улар орасида тушунтириш иш-лари билан чеklangиб, ижроия ҳокимияти билан муносабатларда «сен мен-га тегма, мен эса сенга» қабилда иш туттиш мум-киндир. Бу энди ХДП фаолларининг ўзларига ҳавола.

Лоўиҳа

ҚАШҚАДАРЁ ФЕРМЕРЛАРИ ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Бугунги кун қишлоқ мулкдорлари нафақат деҳқончилик маданиятини пухта билиши, балки илм-фан ютуқларидан ҳам етарли хабардор бўлиши кераклигини даврнинг ўзи талаб этапти. Чунки замонавий фермер ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўя олсагина, даромади қўпайиб, иқтисоди бақувват бўлади.

Қашқадарё вилоятида айни кунда фаолият кўрсатаётган 7139 та фермер ҳўжалигида замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга бирламчи эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Вилоят ҳокимлиги томонидан Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида ўтказилаётган «Қишлоқ ҳўжалик қорхоналарини қўллаб-қувватлаш 2-босқич» лойиҳасининг «Қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш ва уларга консултация хизматлар кўрсатиш» компоненти доирасида деҳқон ва фермер ҳўжалиги раҳбарлари, қишлоқ ҳўжалиги ходимлари иштирокидаги ўқув-семинар қатнашчиларининг диққат марказида ана шу масала турди. Семинарда ҳудудларда иқлим шароитларига мос пахта ва галла навларини танлаш, улардан юкори ҳосил олиш агротадбирларини ўтказиш, интенсив боқлар яратиш, чорвачилик, паррандачилик, балкичилик, асаларичиликни қатта фойда берадиган истиқболли тармоққа айлантириш борасида замонавий билим ва тажрибаларга эга бўлишлари учун малакали мутахассис ва олимлар томонидан машғулотлар олиб борилди.

— Ўқув машғулотлари ўзаро тажриба алмашин имконини берди, — дейди тадбиркорлик фермер Сайдулла Лутфиев. — Деҳқончилик агротехикасини яхши биламан. Аммо замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида берилган тавсиялар қўнғимда тутиб юрган орауларимни рўёбга чиқаришда асқотилини аниқ. Келгусида олган билимларимни фаолиятимда қўллаб, йўл қўйган хато-камчиликларини тезроқ бартараф этишга ҳаракат қиламан. Сайфулла ИКРОМОВ таъйёрлади.

Партиялараро рақобат

07

«XXI ASR»
2012 йил 16 сентябрь,
пайшанба,
07 (431)-сон,
e-mail: xx_asr@mail.ru

web sayti: www.21asr.uz

Семинар

Мукаммал қонунлар қишлоқ мулкдорлари фаолиятининг кафолатидир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАҲАБОВ

Ҳукумат ташаббуси билан тармоқда ягона илмий-техника сиёсати-ни амалга ошириш учун минтакавий дастурлар ишлаб чиқиш, ҳаётга изчил таътиб этилаётган-ни эса соҳанинг иқтисоди-ий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш имконини берапти.

Наслди ҳайвонлар генофондини асраш, зотдор букалар уруғини сақлаш мақсадида кредитлар ҳисобидан «Ўзнасчилик» қорхо-насининг моддий базаси тўдан яхшиланди. Қор-хона замонавий ускуна-лар билан жиҳозланди. Шунингдек, сунъий уруғлантириш қамрови-ни кенгайтириш учун кейинги уч йилда жами 2596 та зооветеринария шахобчаси ташкил этил-ди. Шахсий ердамчи, де-ҳқон ва фермер ҳўжа-ликларига сервис хизма-ти кўрсатиш сифати ях-шиланди. Айни пайтда тармоқдаги 414 та на-слчилик ҳўжалигида қора-ола, швиц, кизил қўл зотли 99 минг 460 бош қорамол парвариш-ланмоқда.

Чорвачиликнинг му-ҳим тармони — қўйчи-ликда ҳам наслини асраш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган-ни таъкидлаш мум-кин. Шунинг учун бугун 7 та вилоятда 30 та на-слчилик ҳўжалиги фао-лият кўрсатиб, уларда жами 1 миллион 118 минг 800 бош қорақўл қўйлар боқилмоқда. Бундан ташқари, хисо-ри, жайдари ва саражи сингари минглаб зотли қўйлар парваришлана-япти.

О'ЗЛИДеР фракция-си аъзоларининг фикри-ча, ҳукукий жиҳатдан маъзур соҳа «Наслчи-лик тўғрисида» ва «Ве-теринария тўғриси-да»ги Ўзбекистон Рес-публикаси қонунлари билан тартибга солин-моқда. Лекин таҳлил-лар ушбу ҳўжаларда соҳани фақат давлат то-монидан бошқариш ти-зини белгилаб берилган-ни кўрсатапти. Уларда чорвачиликда иш юритиш механизми, озуқа етиштиришнинг ўзига хос жиҳатлари, наслили махсулотлар хусусияти, бозор муно-сабатлари шароитида сифатни назорат қилиш, ҳайвонларни идентифи-кациялаш, наслилилик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, энг муҳими, жавобгарлик масаласи етарли дара-жада асқатилмаган. Натижада, қонунга эмас, қўпроқ қонуности ҳўж-жалари асосида иш юритишга тўғри келаяпти. О'ЗЛИДеР фракция-си аъзолари қонунчи-ликдаги бундай камчи-ликлар соҳани жадал ривожлантиришда ай-рим муаммоларни кел-тириб чиқараётганини таъкидламоқдалар.

— Мамлакатда чор-ва молларининг маҳал-лий генофондини асраш ва ривожлантиришга қаратилган алоҳида да-стур ишлаб чиқиш, бу борада етакчи муассаса-ни белгилаш ва унга му-айян ваколатлар, мод-дий ва молиявий ресур-слар бериш, илмий-тад-қиқот институтлари фа-



олиятини мувофиқлашти-риш, соҳа учун кадрлар тай-ёрловчи ўқув юртларини қўллаб-қувватлаш билан бирга фермер ҳўжаликларини ушбу тизимга кенгрок жалб этиш лозим, — дейди О'ЗЛИДеР фракцияси аъзо-си Ориф Шарипов. — Шу-нингдек, наслилилик билан шуғулланувчи субъектлар ўртасида кооперация муно-сабатларини кенгайтириш ҳам муҳим масалалардан бири-дир.

«Чорвачиликда генофон-дини асраш, қўпайтириш ҳамда наслилилик ишларига онд ҳуқукий асосларни та-комиллаштириш» мавзуда-ги семинар иштирокчилари Чорвачилик илмий-тадқиқот институтини ушбу дол-зарб масалаларга эътибор-сизлик билан қараётганини ҳам афсус билан қайд этди-лар. Қизил қўл, швиц, қора-ола, санта-гертруда, абер-дин-ангус сингари зотлари маҳаллий моллар билан ча-тиштириш орқали эришил-ган ютуқлар ҳам ушбу ин-ститутдаги «соқиллик» са-баб қўлдан бой берилмоқда.

Маълум бўлишича, ҳозир маъзур институт на-фақат маҳаллий генофондини асраш, балки оддий селекция ишларини амалга оширишда ҳам етарли имкониятга эга эмас. Буни институтда селек-ция йўналишида атиги бир нафар фах доктори фаоли-ят олиб бораётганидан ҳам сезиш мумкин. Аспирантура-га эса йилга битта ўрин аж-ратилаётгани ҳам бу борада-ги ишларни жонлантириш лозимлигини кўрсатапти.

Семинарда, шунингдек, соҳага онд қонунчиликни та-комиллаштириш, валюта эва-зига хориждан келтирилаёт-ган наслили қорамолларни асраш бўйича ҳам қатор так-лифлар билдирилди. Хусу-сан, Чиноз туманидаги «Дил-гие фазл барак» фермер ҳўжалиги раҳбари Абдумаж-жит Саидов «бу моллар иқлимимизга мослашиб кети-ши қийин» қабилдаги ху-лосаларни қуруқ сафсата, деб баҳолади.

— Мен Европанинг қатор давлатларида бўлиб, чорвачиликдаги илгор таж-рибаларни ўрганганман, — деди у. — Ўзбекистонни-дек қулай об-ҳаво, шароит ва имтиёз ҳеч қаерда йўқ. Ма-салан, четдан наслили қора-мол ва зарур ускуналарни олиб келиш учун қатор им-тиёзлар берилганини — бе-рилган. Техникани лизинг асосида харид қилиш имко-нияти борми — бор! Фермер ҳўжалигимиз ушбу имтиёз-лар туфайли йилга 20 мил-лион сўм атрофида маб-лаб тежаб қолмоқда. Муаммо

шундаки, амалдаги қонунчи-ликда наслили молларни озиклантиришнинг ўзига хос жиҳатлари тўла ҳисобга олинмаган. Чорвачиликни жадал ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган экан-миз, дедик, айрим қонун ва қонуности ҳўжаларига те-гишли ўзгариш ва қўшим-чалар киритиш керак.

Иқисқичи муҳим масала — чорвачиликда иқтисослаш-ган фермер ҳўжаликларини оксилга бой озуқа (шрот) билан таъминлаш тартибини қайта қўриб чиқиш масала-сидир. Чунки қунига ўртача 25 литр сўт соғилган сигир танасидан 800 грамм оксил чиқиб кетади. Агар унга вак-тида соя ёки пахта шроты (45 фоизи оксилдан иборат) бе-рилмаса, сигирлар иқлимга мослаша олмади, дея баҳона топишдан бошқа чора қол-майди.

Семинарнинг амалий қисми Сирдарё вилоятида ташкил этилди.

Иштирокчилар дастлаб Сирдарё туманидаги «Ин-тер Милк» МЧЖ фаоли-ти билан атрофлиқ таниш-дилар. Бугун МЧЖда 700 бошдан зиёд «Гольштейн фриз» зотиға мансуб сигир-лар парваришланмоқда. Чорвачилик фермаси за-монавий талаблар асосида бар-по этилган бўлиб, тўла ком-пьютер тизимига уланиган. Наслили чорва моллари учун озуқа базасини мустаҳкам-лаш мақсадида 750 гектар ер майдоғи ажратиб берил-ган. Айни пайтда маъзур қорхона базасида ташкил этилаётган сутни қайта иш-лаш заводига хориждан кел-тирилган замонавий дастхо-ларни монтаж қилиш ишла-ри якунига етмоқда. У ишга тушгач, 12 хил сўт махсулот-лари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Сайхунобод туманидаги «Турон» фермер ҳўжали-гида эса 660 бош қорамол пар-варишланмоқда. Ферма қошида ветеринария хизма-ти шахобчаси ҳам фаолият кўрсатапти.

Қўнмта аъзолари маҳал-лий ижро ҳокимияти вакил-лари ҳамда 50 дан ортиқ фермер ҳўжалиги раҳбарла-ри билан юзма-юз мулоқот ўтказиб, уларни қизиқтир-ган қўллаб-қувватларга жавоб қайтардилар. Учрашувда, амалдаги қонун ҳужжатла-рига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ҳам фикрлар билди-рилди.

Тадбир якунида соҳага онд қонунчилик нормалари-ни янада такомиллаштириш юзасидан қўмитанинг тегиш-ли тавсиялари ишлаб чиқил-ди.

Кредитлар эвазига яратилаётган иш ўринлари



МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИДА «АГРОБАНК» ОАТБНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР. ЖУМЛАДАН, УНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ БУГУНГИ КУНДА 16 ТА ФИЛИАЛИ, 21 ТА МИНИ БАНКИ ОРҚАЛИ БАРЧА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ 23131 ТА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИБ, ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Ўтган йили бошқарма томонидан иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлашга алоҳида эътибор қаратилиб, йўналтирилган кредит қўйилмалари миқдори 138,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бунинг эвазига жойларда 2676 та янги иш ўрни яратилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш, жойларда микрокредитлашни рағбатлантириш, аҳолининг бандлик даражасини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларининг қишлоқ жойларидаги юқори инновацион лойиҳаларини молиялаштириш учун 16 млрд. 35 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш, хусусан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тадбиркор аёлларни, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга боғлиқ лойиҳалар асосий эътиборда бўлиб келмоқда.


Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирishда банкларнинг молиявий қўмаги муҳим аҳамият касб этади. Ўтган йили ана шу мақсадлар учун банкнинг шаҳар ва туман

филиаллари томонидан 6,4 млрд. сўм, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 4,4 млрд. сўм миқдоридан кредит сармо-яси ажратилди.

Масалан, банкнинг Шахрихон филиали томонидан шифер ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда хом-ашё харид қилиш учун «Водий эзгулик нури» МЧЖга 100 млн. сўм миқдоридан узоқ муддатли кредит ажратилган эди. Шу ҳисобда қисқа муддат орасида замон ва бозор талабларига мос келадиган черепица-шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада 15 та янги иш ўрни ҳам ташкил этилди. Тайёрланган маҳсулотлар ўзининг юқори сифати ва пишиқлиги билан миқозларга маъқул келмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида қатта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бугун ерга эгаллик қилиб, ундан оқилона ва самарали фойдаланаётган бободехқонларимиз бисёр. Хусусан деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг интенсив боғлар барпо этишлари учун, деҳқонларимизнинг шахсий томорқаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришлари учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева кўчатлари хариди учун ҳам банк кредитлари асқотмоқда.

Бир сўз билан айтганда, иктисодиётнинг қон томири ҳисобланган банклар юртимиз рағнаки ва



халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилаёпти. «Агробанк» ОАТБнинг Андижон вилоят бошқармаси ана шулардан биридир. Шубҳа йўқки, бошқарма томонидан ҳисобот йилда эришган ютуқлар билан чекланиб қолмай, жорий «Мустақам оила йилида» бундан юрак натижаларга эришаверади.

Реклама

Туризм

Ҳам саёҳат, ҳам тижорат

БУХОРО... БУ ҚАДИМ ГЎША ЎЗИНИНГ БОЙ ТАРИХИ, НОЁБ ОСОРИ АТИҚАЛАРИ, МЕҲМОНДЎСТ ВА МЕҲМОННАВОЗЛИГИ БИЛАН АЗАЛДАН МАЪЛУМ ВА МАШҲУР. АЙНИ КУНДА ВИЛОЯТДА 9 ТА ТУРИСТИК ФИРМА, 55 ТА ХУСУСИЙ МЕҲМОНХОНА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЯПТИ. УЛАР БИР КУНДА 2200 ДАН ЗИЁД МЕҲМОННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА


Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Ўтган йили 122 мингдан зиёд сайёҳ Бухорога қадам ранжида қилган бўлса, уларнинг 91 мингдан зиёдини хорижий меҳмонлар ташкил этди. Бултур кўрсатилган хизматларнинг ялпи миқдори 10 млрд. сўмдан ошиб кетгани бу борадаги иш қўлами тобора ўсиб бораётганини кўрсатмоқда.

Шу ўринда Бухоронинг Ибн Сино шох кўчасида «Меҳмонхоналар аллеяси»ни барпо этиш режалаштирилганини, белгиланган муддат ичида бу ерда бир йўла 14 та замонавий меҳмонхона барпо этиш режалаштирилганини таъкидлаш мумкин. Энг муҳими, улар саховатпеша тадбиркорлар, чет эллик сармоядорларнинг маблағлари ҳамда банк кредитлари эвазига барпо этилмоқда. Меҳмонхоналар билан туташ худудларда турли кўнгли-лочар масканлар, кафе ва ресторо-лар феолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқдаки, бу ўз навбатида минг-лаб янги иш ўринлари яратиш имко-нини ҳам беради.

Шуни айтиш ҳам керакики, бугун-ги кунда вилоят сайёҳлик ташкилот-ларида мингдан ортиқ киши икtimo-ий фойдаланиб меҳнат, доимий иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг акса-лярияти ёшлар. Вилоятда, шунингдек, ички туризмни ривожлантиришга ало-ҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу ўзи-нинг қўйилган самараларини бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси томонидан туризм соҳасини ривожлантириш ва сайёҳлик хизматлари экспорт потенциалини



ошириш бўйича вилоятда 2011-2012 йилларга мўлжалланган манзилли тад-бирлар дастури тасдиқланган бўлиб, бу борада фаол иш олиб борилаёпти.

Туризмни ривожлантириш дасту-ри ижросини таъминлашда турли сай-ёҳлик ташкилотлари ва меҳмонхона-лари замонавий транспорт воситала-ри – автобус ва микроавтобуслар би-лан ўз вақтида таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биргина 2012-2013 йилларда ана шу мақсадлар учун 620 минг АҚШ доллари миқдоридан маб-лағ сарфлаш режалаштирилган.

Соҳада ечимини қўтиб қолган ай-рим муаммолар ҳам йўқ эмас. Жум-ладан, шаҳардаги «Вароҳша» ва «За-рафшон» меҳмонхоналари аллақачон таъмирталаб бўлиб қолган. Респу-блика миқёсидаги нуфузли ташкилотлар-нинг ёрдами билангина бу муаммони

хал этса бўлади. Меҳмонхоналар ва савдо расталаридаги терминаллар сони нисбатан кам. Вилоятнинг Олот туманидаги Ўзбекистон-Туркменистон чегара постда транспорт хизмати та-лаб даражасида ташкил этилмаган. Бу эса юкларни олиб ўтишда муайян қий-инчиликлар туғдирмоқда. «Ўзбекис-тон хаво йўллари» миллий авиаком-панияси томонидан Малайзия, Индо-незия, шунингдек, Татаристон, Дои-стондан келадиган сайёҳлар учун чар-тер рейсларни ташкил этиш зарурати ҳам туғилганки, бу масалани ижобий хал этиш сайёҳлар оқимини ошириш-га хизмат қилган бўларди.

Хуллас, гўзал ва қадимий Бухоро ўз мафтункорлиги билан барчани хаминша ўзига қорлаб, ўзбекона меҳмон-навозликнинг энг яхши жиҳатлари-ни намоён этиб келмоқда.

Сўранг, жавоб берамиз!

ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ЧЕКМАНГ. ЖАРИМАГА ТОРТИЛАСИЗ!

Матбуотда «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганини ўқиб қолдим. Ушбу қонун кучга киргач, қаерларда чекиш тақиқланади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

С.Хотамов. Сирдарё вилояти

Бу саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Қ.Эргашев жавоб беради.

— Энг аввало, мазкур қонун аҳолини, айниқса ёшларни зарарли одатлардан ҳимоялашга, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларининг янғичи оқибатларидан огоҳ этишга қаратилган

ни таъкидлаш жоиз. Шу нуқтаи назардан ушбу қонуннинг 19-моддасига - биноан иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғичи хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёниб қўйиш шохобчалари ва бошқа жамоат жойларида, (тамаки маҳсу-


лотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар бундан мустасно) шунингдек, жамоат транспорти-нинг барча турларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмасли-ги белгиланган.

Қонун жорий йилнинг апрель ойидан кучга кира-ди.

Tagbirkorlik

РАЙҲОН ОПАНИНГ АТИРГУЛЛАРИ

Яккабў туманидаги Жамолота қишлоғида яшовчи Райхон Худойназарова ўз томорқасида иссиқхона ташкил этиб, атиргул етиштиришни йўлга қўйди. Ўнча яқин турдаги бу гулларнинг харидорлари бисёр. Етиштирилаётган атиргуллар нафақат туман, балки Қарши, Шахрисабз шаҳарларидаги гул бозорларида савдога чиқарилаёпти. Иш фаолиятини хар хил кўчатлар ва лимон кўчатлари етиштиришдан бошлаган тадбиркор айти кунда олинаётган фойдадан иссиқхонанинг кенгайтиришини режалаштираёпти.



Сизнинг омонатларингизнинг Кафолатлиниш Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5-апрелдаги 360-II-сонли Қонунига мувофиқ «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси» томонидан таъминланади.
Мурожаат учун телефон: 241-77-99

Бошланғич партия ташкилотларида

Пайшанба | 2012 йил 16 ФЕВРАЛЬ | WWW.21ASR.UZ
07 (431)-СОН

e-mail: axborot@21asr.uz

Намуна

Фаоллик мезони

О'ZLiDeP ЯККАСАРОЙ ТУМАН КЕНГАШИ ТИЗИМИДАГИ «ТОШКЕНТШАХАРГАЗ» ФИЛИАЛИ ҚОШИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲОЯВИЙ ЕТУК, ИЗЛАНУВЧАН КАДРЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Абулфайз
САИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Фақат ўтган йил охири чорагида партия сафларига 50 нафар янги аъзоннинг қабул қилингани фикримизга мисол бўлиши мумкин. Ушбу қорхона тасарруфидаги бўлинмаларда ҳам бошланғич ташкилотлар тузилган бўлиб, уларда қатъий режа асосида иш олиб борилмоқда.

Жумладан, йилнинг ҳар чорагида партия йиғилишларини ўтказиш, чорак якунлари бўйича ҳисоботларни тинглаш изчил йўлга қўйилган. Уларда билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида тегишли қарорлар қабул қилинади ва ижроси қатъий назоратга олинади. Шу билан бирга, амалдаги қонун, фармон ва қарорлар, давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини оммага етказиш, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, О'zLiDeP



аъзоларининг ҳолий билим даражасини ошириш, сиёсий дунёқарашини кенгайтиришга жиддий эътибор берилаяпти. Шу мақсадда «Миллий ғоя ва мафкура» илмий-амалий маркази билан тузилган шартномага асосан ҳар

ойда «Тошкентшаҳаргаз» филиали ва унинг тасарруфидаги бўлинмаларда маҳалли маърузачилар иштирокида турли тадбирлар, маърифий учрашувлар ташкил этилмоқда. Қорхонада аъзолик бадалларини тўлаш масала-

си ҳам қўйилмагандек: «Тошкентшаҳаргаз» филиали юқори партия ҳисоб рақамига ҳар ой 1 миллион саккиз юз минг сўмдан ортиқ бадал пули ўтказилган. Бош БПТ ва унинг бўлинмаларидаги бошланғич ташкилотлар

учун алоҳида хона ажратилган бўлиб, уларда партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу эса партия фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётган.

О'zLiDeP Мамбулат хизмати хабар қилган

ЖИЗЗАХ. О'ZLiDeP ВИЛОЯТ КЕНГАШИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШЛАРИДАГИ ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ҚўШМА МАЖЛИСИ Бўлиб ўтди. Унда асосан АҲОЛИНИ ТАБИИЙ ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тадбирда вилоят «Марказгазтаъминот» унитар қорхонаси раҳбари Қ.Бойжигитов ва «Электр тармоқлари» ОАЖ бошлиғи Х.Абдуллаев сўзга чиқиб, мутасадди ташкилотлар орқали етказиб берилмаётган электр энергияси ҳамда табиий газнинг пайдаланиш ёки умуман узил-қилиш ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи қорхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидладилар, депутатлар ташаббуси билан муаммонинг ечимини топиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтдилар.

Йиғилишда, шунингдек, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида амалга оширилган ишлари таҳлил қилинди. Жумладан,

Каттақўрғон шаҳрида электр таъминотини яхшилаш, Самарқанд шаҳрида «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижросини таъминлаш, Булунгур туманида давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот бозорини ривожлантириш, Оқдарё туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан кенгрок фойдаланиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Туман ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятида учраётган камчиликлар танқидий баҳоланди. Тадбирда электр ва газ таъминотини яхшилаш бўйича фикр-мулоҳазалар баён қилинди, қатор амалий тақлифлар берилди.

Қўш ташкилотидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

6 >>>

Ҳамкорлик

Ҳар қандай ғоя тарғиботи собитликни талаб этади



О'ZLiDeP АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «2012 ЙИЛ — БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Шундан келиб чиқиб, айни кунда ўз атрофида 11 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган 481 та бошланғич ташкилотда партиявий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишлар кучайтирилмоқда. Вилоят кенгаши томо-

нидан бошланган ибратли ҳаракат самарасини Марҳамат тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни кунда туманда 14 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофида 820 нафар аъзони жипслаштир-

ган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 1 нафар, вилоят кенгашининг 1 нафар, туман кенгашининг 6 нафар депутати О'zLiDeP вакиллари.

6 >>>

Шахсий фикр

Маълумки, бошланғич партия ташкилотлари О'zLiDeP ғоя-мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиши, ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигига эришиши лозим. 30 нафар аъзога эга бўлган БПТмиз бу борада имкон қадар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, партиямиз Уставига кўра, йилда камида 4 марта БПТнинг умумий йиғилиши ўтказилиши, уларда ташкилот фаолиятига оид ҳисоботлар эшитилиши лозим. Аммо мен ҳалигача бирорта шундай йиғилиш ўтказилганини эслолмайман. Аслида биз ёшлар ҳам партиянинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳозирги жўшқин жараёнларда фаол иштирок этишни хоҳлаймиз.

Зеро, умумий ишимизга оз бўлсада ўз ҳиссамизни қўшсак бахтиёр бўлардик. Номинатига партия аъзоси бўлиш бугунги кун ёшларига ярашмайди, деб ўйлайман.

Дилдора Юнусова,
Фарғона вилоятидаги
«Қувайтестиль» ОАЖ
қошидаги БПТ аъзоси

Ташаббус

Фаоллик — муваффақиятлар омили

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ, УЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА БУГҲН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИГА КАТТА ИШОНЧ БИЛДИРИЛАЁТГАН БИР ПАЙТДА ЭСКИЧАСИГА ИШЛАШ МАНТИҚҚА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ

О'zLiDeP Навоий шаҳар ва вилоят кенгашларининг танқидий таъсирини ҳисобот-сайлов йиғилишларидан кейин партиядошларимиз билан йиғилиб, ана шу саволга жавоб изладик. Фаолиятимизни таҳлил этиб, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга қарор қилдик.

Кези келганда айтиш жоиз, автоқорхонамиз асосан Навоий

кон-металлургия комбинати давлат қорхонаси тасарруфидаги турли ташкилот ва муассасаларга хизмат кўрсатади. Ходимларимиз асосан ҳайдовчилардан иборат. Бундан бир неча йил аввал жамоада БПТ ташкил этилган, фаолларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларини кўриб чиқилаётган пайтда «оддий ҳайдовчиға сиёсатнинг нима кераги бор», дейдиганлар ҳам

топилган эди. Бундайлар энди давр ўзгаргани, мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти қурилаётган бир шароитда ҳар бир кишидан сиёсий уйғоқлик ва фаоллик талаб қилинишини кеч бўлса-да англаб етишди. Зеро, кизгин сиёсий-иқтисодий жараёнлар ичида яшаб, уни тушунишга уринмаслик мумкин эмас.

6 >>>

XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетаси

ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Ҳамкорлик

Хар қандай ғоя тарғиботи собитликни талаб этади

Давоми. Бошланиши 5-саҳифада ◀◀

Илҳомжон
ЭГАМНАЗАРОВ,
«XXI ASR»

“Хизмат” масъулияти чекланган жамиятига ҳам халқ депутатлари туман кенгаши депутати Шарофатхон Ахмедова раҳбарлик қилади. Ошанинг ҳаётий тажрибаси, эл-юрт ўртасидаги обрўси, ташкилотчилик қобилияти туфайли партия аъзолари сони тобора ортиб бормоқда. Корхонада ишловчи O'zLiDeP аъзолари партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини фуқаролар ўртасида кенг тарғиб этиш, уларда мулкчиликка янгича муносабатларни шакллантириш, иқтисодий-мизнинг асосига айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий аҳамият беришмоқда. Жойларда сервис ва маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланаётган. Биргина ўтган йили аҳолига 50 миллион сўмлик хизмат кўрсатилгани фикримиз далилидир.

— Бу кўрсаткичлар ҳали бизни тўла қониқтирмайди, — дейди Шарофатхон Ахмедова. — Кейинги пайтда сервис ва маиший хизматни такомиллаштириш вазифаси кун тартибига қўйилиб, соҳа вақилларида соҳадан катта имтиёзлар берилмоқда. Шунга қўра, туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастурга асосан, биномини қайта таъмирлаш учун “Агробанк”дан

80 млн. сўм кредит ажратилган бўлди. Бунинг ҳисобига аҳолига кўрсатилган хизмат турларини кўпайтирамиз. Кийимларни кимёвий тозалаш, автомобильларга техник хизмат кўрсатиш нуқталари, соғломлаштириш мажмуи, ҳатто уй хизматчиси каби янги хизмат турларини ташкил этмоқчимиз. Натижада яна 10 та янги иш ўрни яратилади.

Бошланғич ташкилот аъзоларининг таъкидлашларича, жорий йилда туман кишлоқларида 100 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиши режалаштирилган. Бу қўшимча иш ўринлари деганидир. Партия аъзоларининг шахсий намунаси ижтимоий-сиёсий ишловчилар жараёнида яққол намоён бўлиб турибди. Бу ерда ташкил этилган партия хонасида либерал-демократик ғояларни тарғиб қилувчи логотиплардан тортиб, турли сиёсий адабиётлар, “XXI asr” ва бошқа нашрларнинг тақдирларига мавжуд. Партия аъзоларидан Халимаҳон Убайдуллаева, Саиджон Эрмухаммедов, Аъзам Мамаширипов айниқса фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Яқинда уларнинг сый-ҳаракати билан депутат Шарофатхон Ахмедова иштирокида хизмат кўрсатиш тизимида пластик карталардан фойдаланиш билан боғлиқ ахвол ўрганилиб, бу масала туман кенгаши депутатлик гуруҳида муҳокама қилинди.

Тумандаги “Турон” ўқув марказида ҳам



O'zLiDeP бошланғич ташкилоти тузилган бўлиб, унга Хасанбой Хусанов раислик қилади. Хасанбой билан олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашмоқчи бўлган эдик, у дарҳол ноутбук компютерини очди.

— Партиявий-сиёсий ишларни қонунлар асосида ташкил этмасак бўлмайди. Компютерим хотирида “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги ва бошқа қонунлардан тортиб, Юрбошимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”га мавжуд. Бу эса уларга ҳар доим ва ҳамма жойда муносабат қилиш имконини беради, — дейди Хасанбой. — Замонавий технологиялар мушкулликни

осон қилмоқда. Зеро, юқоридаги сиёсий ҳужжатлар қундалиқ фаолиятимиз учун муҳим дастурил амалдир.

Яқинда бошланғич ташкилот сый-ҳаракати билан вилоят кенгаши депутати Ортиғали Хусанов, туман кенгаши депутати Шарофатхон Ахмедова томонидан А.Тўланов, М.Тошхўжаев, Д.Султонов каби 10 нафар коллеж битирувчисига 16 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олишда ёрдам кўрсатилди. Партия аъзолари маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Тез-тез шоир, ёзувчи ва бошқа маънавият намояндлари билан учрашувлар ўтказиб турилади. Яқинда ёзувчи Улуғбек Ҳамдам билан ана шундай учрашув ташкил этилди.

Партия аъзоси, туманда ташкил этилган ўқув маркази раҳбари, вилоят кенгаши депутати Ортиғали Хусанов ногирон бўлсада, тадбиркорлик ва сиёсий фаоллик намунасини кўрсатиб келаётган.

— Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ. Агар унда ирода кучли бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўта олади, — дейди О.Хусанов. — Мен бу гапларнинг исботини ўз тақдирим мисолида қўйдим. Ҳаётдан умидини узган, докторлар охириги ташхисни қўйган бир инсон жамиятдан муносиб ўрнини топди. Демак, ҳаракат қилсак, интилий излансак, ҳаётдан ўз ўрнимизни топа оламиз. Бинобарин, либерал-демократик ғоялар тарғиботида ҳам ана шундай қатъият ва собитлик талаб этилади.

O'zLiDeP Mamбуот хизмати хабар қилгу

Давоми. Бошланиши 5-саҳифада ◀◀

ҲОРАЗМ. «СОҒЛОМ АЁЛ — МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЧАРОҒБОНИ». O'ZLiDeP ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТАШАББУСИ БИЛАН БОҒОТ ТУМАНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АМАЛИЙ СЕМИНАР ШУНДАЙ ДЕБ НОМЛАНДИ.

— Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бер-

моқда. Бу ишлар учун давлат бюджетидан йил сайин кўпроқ маблағ ажратилаётгани ҳам эътиборга молик, — деди ўз сўзида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Б.Маширипова. — Хотин-қизларимиз айни кунда фарзанд тарбияси, оила таъмиридан тортиб, жамоат ишлари, давлат қурилишида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. O'zLiDeP «Аёллар қаноти» бу борада уларнинг яқин кўмакчисига айланган. Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлодни шакллантириш учун барчамиз бирдек масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

Тадбирда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий маънавиятини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

— Биз оилани азалдан муқаддас билиб, унинг тинч-тотув ва мустаҳкам бўлиши учун астойдил ҳаракат қиламиз, — дейди тадбиркор У.Чориев. — Кейинги йилларда оила фаровонлигини таъминлаш, баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Оила тотувлиги, аввало, унинг фаровонлигига боғлиқ. Юрбошимиз тақлифи билан жорий йилнинг “Мустаҳкам оила йили”, деб номлангани ҳам бежиз эмас. Биз яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, юрт равнақи, оилалар фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаёмиз.

Тадбир давомида туманда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш, лалми деҳқончилик, хунармандчилик ва касаначилик орқали янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бир қатор амалий тақлифлар ўртага ташланди.

Блиц-интервью

Сиз ўзингиз етакчилик қилаётган ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини қониқарли баҳолай оласизми? БПТлар ишини бутунги кун талаблари асосида ташкил этиш учун асосан нималарга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз?

Тўрабек НАЗАРОВ,
O'zLiDeP
Олмазор туман
кенгаши раиси,
Халқ
депутатлари
Тошкент шаҳар
кенгаши
депутати:



— Олмазор туманида 1457 нафар аъзони бирлаштирган 65 та бошланғич партия ташкилоти бор.

Жорий 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган туман партия кенгаши олдига тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш вазифасини қўймоқда. Бунда асосий эътибор маҳаллаларга, хотин-қизлар ва ёшлар фаолиятига қаратилиши лозим, деб ўйлайман. Айниқса, жойларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда депутатлар корпусидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш лозим.

Албатта ютуқлар ўз йўлига. Аммо мавжуд камчиликлар катта кичик сиёсий партия фаолиятини издан чиқариши мумкин. БПТлардаги хато эса катта нуксонларга йўл очадиган туйнукка ўхшайди. Бунга йўл қўймаслик мақсадида жорий йилда асосий эътиборни маънавий-сиёсий ва мафқуравий-партиявий тадбирлар сифатини оширишга қаратаёмиз.

Масъулият

Бошланғич ташкилот аъзоларининг таъкидлашларича, жорий йилда туман кишлоқларида 100 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиши режалаштирилган.

Ташаббускорлик қуйидан бошланиши керак

Давоми. Бошланиши 5-саҳифада ◀◀

Сайфулла
ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Ана шу жараёнда ҳам O'zLiDeP аъзоси бўлган инженер-техник ходимларимиз алоҳида ибрат кўрсатдилар. Корхонани қайта қуриш баробарида кадрларнинг билим ва малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бахриддин Астонов, Нурбек Мўминов, Лобар Мўминова, Азиз Сатторов, Бекзод Эгамов ва Шерали Ҳамроев каби фаоллар партиянинг ғоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Энг муҳими, қуйи бўғин фаолиятини бутунги талаблар даражасида ташкил этиш, партия аъзоларининг сиёсий билимларини мутта-

сил ошириб бориш ҳамда аъзоларни партиявий топшириқлар билан қамраб олишга ҳаракат қилинапти. Шу ўринда пахтачиликни ривожлантириш бугуннинг долзарб вазифаси бўлиб турган бир паллада фермерлар фаолиятига тўсик бўлаётган муаммоларни бар-тароф этишда ҳам БПТ аъзолари ташаббускор бўлмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, жамиятдаги 30 нафар партия аъзосининг сиёсий фаоллиги ошгани сайин жамоа ютуқларига қўшаётган ҳиссалари ҳам кўпайиб бораётган. Сиёсий фаоллик жамият аъзоларини янги марралар сари ундамоқда.

— Партияда фаол ва ташаббускор кишилар сафини яна кенгайтиришимиз лозим, — дейди Азизжон Наматиллаев. — Зеро халқ ана шундай ин-

сонларга кўпроқ ишонади. А.Наматиллаев ҳақ гапни айтди. Бугунги кунда кучли сиёсий партияга яйла-ниш учун қуйи бўғинларни кучли кадрлар билан таъминлаш ни-хоятда долзарб маса-ладир. Жамиятдаги БПТ хонасини кўздан кечириб, сиёсий газе-та-журналларга кўзи-миз тушди. «XXI ASR» газетаси саҳи-фаларида бериб бори-лаётган қуйи бўғин фаолиятига оид мах-сус илова кўзга таш-ланарли жойда осиб қўйилган. Корхона-дан қайтар эканмиз БПТ раҳбарларининг ўз устимизда кўпроқ ишлашимиз, билим ва тажрибамизни кун сайин ошириб бори-шимиз керак. Зеро партияимизнинг ғоя ва мақсадлари халқки-мизнинг эзгу ниятла-ри билан уйғун ва муштаракдир, деган фикрлари ҳаёлимиз-дан ўтди.

Ташаббус

Фаоллик — муваффақиятлар омили

Давоми. Бошланиши 5-саҳифада ◀◀

Ғани АСЛОНОВ,
Навоий кон-
металлургия
комбинатида қарашли
3-автокорхона БПТ
раиси

Қолаверса, хайдовчи йўл юради, турли тоифадаги одамлар билан мулоқотда бўлади, муаммоларни вазиётларга дуч келади. Бундай шароитда ким бўлишидан қатъий назар ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниши, уларни ҳимоя қилиш учун етарли сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлиши лозим.

Корхонамиз қошидаги БПТ фаолиятини ҳам ана шундай таъминлаш, амалдаги қонунчилик, ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари, ва албатта, O'zLiDeP олдида қўйилган дастурий вазифалар асосида ташкил этаёмиз. Интизом ва интилий бўлган жойда эса муваффақиятлар кўпая-

веради. Бизда белги-ланган тадбирлар те-ғишли режа асосида мунтазам ўтказиб ке-линади. Сиёсий ада-биётлар яқин кўмак-чимизга айланган, билмаганларимизни партиянинг шаҳар ва вилоят кенгашлари. мутахассисларидан сўраб ўрганаёмиз. Тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорли-гини таъминлашда O'zLiDeP вилоят ке-нгаши ҳузуридаги Си-ёсий таълим маркази мутахассислари, На-воий Давлат педагогика институти профес-сор-ўқитувчилари ҳамда бошқа фуқаро-лик жамияти инсти-тутлари билан ҳам-корликда ўтказилаёт-ган маърифий-сиёсий ўқувлар, семинар-тренинглари, давра суҳ-батлари ва бошқа та-дбирларнинг аҳамия-ти катта бўлмоқда. Улар-да иштирок этган партиядошларимиз-нинг дунёқараши ўзгариб, ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқиши янада оша-

ётган. Айниқса машгу-лотларни кўргазмали куруллар, аудио-ви-део ҳамда жарқатма материаллардан кенг фойдаланган ҳолда ўтказиш яхши самара бераёпти. Партиямиз ғояларини омма ўрта-сида кенг тарғиб қилиш, тарафдорлар сафини кенгайтириш-да Улуғбек Жумаев, Нодира Шерназарова, Шерзод Илбоев ва бошқаларнинг ҳисса-си катта бўлаётган. Уларнинг сый-ҳара-кати туфайли ўтган бир йил давомида сафдошларимиз сони 14 нафарга (2,5 нафарга) кўпайди.

Албатта, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Бизнинг фа-олиятимиз ҳам бун-дан холи эмас. Айни кунда партиявий-сиё-сий ишлар самара-дорлигини ошириш учун барча имкония-тлардан фойдаланаё-миз. Зеро, арзимас камчиликлар тезда бартараф этилади ва келгуси фаолияти-мизда кузатилмайд.

Балиқчилик

БУХОРОНИНГ ХАЗИНАСИ

Йил бошидаёқ Бухоро вилоятида балиқчиликка ихтисослашган 40 дан ортиқ мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатувчи янги ҳўжаликлар ташкил этилди. Бундан ташқари чорвачилик, паррандачилик ва асарчилик тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, балиқчилик корхоналарига эга Бухоро ассоциацияси кўп йиллардан буён истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Ассоциация раиси Х.Гафаровнинг таъкидлашича, вилоятда 2010 йилда 433 тонна, ўтган 2011 йилда эса 569 тонна сифатли балиқ маҳсулоти етиштиришга муваффақ бўлинди.

Балиқ етиштирувчи ҳўжаликларнинг умумий сони вилоятда 69 тани ташкил этмоқда.

Бугун ахборот урушлари олиб боришда оммавий ахборот воситаларининг мавқеидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Негаки, турли сиёсий ва молиявий гуруҳлар ўз манфаатларини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг жамоат фикрига таъсир ўтказишда муҳим восита эканини англаб етдилар.

Халқаро ҳаёт

Аср муаммоси

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА ЭРИШИЛАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР ИНСОНИЯТНИ «АХБОРОТ ЖАМИЯТИ» ДЕБ АТАЛУВЧИ НИХОЯТДА АЁВСИЗ КУРАШЛАРГА БОЙ, ХАВФ-ХАТАРЛАРГА ТўЛА, СОН-САНОҚСИЗ МУАММОЛАРНИ ЎЗИДА ЖАМЛАГАН ВА АЙНИ ПАЙТДА «ЧЕГАРА БИЛМАС» ТАРИХИЙ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚДИ. МАЗКУР ЖАМИЯТ ЎЗ НАВБАТИДА ДУНЁДА «АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ» МУАММОСИНИ ЭНГ ГЛОБАЛ МАСАЛАГА АЙЛАНТИРДИ. ОДАТДА ИНСОН ХАВФ-ХАТАРГА ДУЧ КЕЛГАН ПАЙТДАГИНА АҚЛ-ИДРОКНИНГ МАҲСУЛИ БЎЛМИШ ИЛМ-ФАНГА МУРОЖААТ ЭТАДИ. БИРОҚ БУГУН ФАН ҲАМ БУ МАСАЛАНИНГ ЕЧИМИНИ ТОПИШГА ҚОДИР БЎЛМАЙ ҚОЛДИ...

Файзулло
АБДУЛБОКИЕВ


Тарих шундан далолат берадики, инсоният дунё айвонида беҳавотир яшаш учун не-не қўрғонлар, қалъа, деворлар ёхуд «коммунизм»нинг тикони симларини курмади. Аммо таракқиёт барибир ўз сўзини айтди. Бугун чегара билмас ахборот жамиятига башарият ўз ақли, ўз оёғи билан кириб келар экан, ахборот технологияларининг инсон ҳаётидаги ўрни, цивилизация келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфлар, унинг сирли жумбоқлари ва глобаллашув жараёнидаги долзарб муаммолар ҳар биримизни теран ўйлашга ва тўғри хулоса чиқаришга ундамоқда.

Аксарият ҳолларда миллий хавфсизликни назарий ва амалий жиҳатдан таъминлаш одатда ҳарбий кучларнинг вазифаси сифатида қабул қилинади. Аммо, бугунга келиб вазият самовила ўзгарди. Чунки ахборотлашган жамиятда куч ишлатиш билан ахборот йўлини тўсиб бўлмай қолди.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ахборот муҳим таркибий қисмга айланди. Масалан, БМТ ҳисоботида айтилишича, XX асрнинг 90-йилларида Америка аҳолисининг олтинчи фоизи ахборот билан ишлаш соҳасида банд бўлган. Ахборот тизими устидан ҳуқуқронлик айниса, АКШ сингари мамлакатлар ҳукуматида жамоатчилик фикрининг хохлаган ўзига буриб юбориш имконини бераётганини таҳлилчилар алоҳида таъкидламоқдалар. Масалан, 1996 йили АКШда Интернетдан кенг фойдаланилган ҳолда ўтказилган президент сайловларини олайлик. Ўшанда, президентликка номзод Буш ҳам, Гор ҳам ўз сайтларига эга бўлиб, уларнинг сиёсий мақсадлари ва ўзлари ҳақидаги барча маълумотлар мазкур сайтларга жойлаштирилган эди. Партия вакилликлари ва турли ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ҳам ўз сайтларидан унумли фойдалангандилар. Шундай қилиб, сайлов ҳали бошланмай туриб овоз берувчи сайловдиди

курашларига жалб этилди. Ўша пайтда 600 мингдан зиёд киши Буш ва Гор сайтлари билан танишгани айтилади. 2000 йилги сайловларда эса Интернет воситасида овоз бериш масаласи ўртага ташланади. Феникс, Сан-Диего ва Сакраменто шаҳарларида бу борада тажрибалар ўтказилди ҳам. Бу ахборот ривожининг ижобий томонлари эди.

Бугунга келиб эса иқтисод, илм-фан, сиёсатнинг барча жабҳаларида ҳам ахборот технологиялари ва инфорацион ресурсларнинг геосиёсий аҳамияти кўтарилаётгани тилга олинмоқда. Чунки давлатнинг геосиёсий салоҳияти ва унинг сиёсий имкониятлари глобал миқёсда мамлакатнинг ҳудудий жойлашуви, каттали ва аҳолиси сонининг кўпчилиги билангина эмас, балки иқтисодий, илм-фан, ҳарбий ва коммуникацион имкониятларида намоён бўлаётган. Шу боис ривожланган мамлакатларда ахборот техникаси ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва бу соҳада иш билан таъминланиш омиллари биринчи ўринга чиқиб олди. Ахборотлаштиш жараёни ҳарбий соҳани ҳам камраб олганини таъкидлаш лозим. Айниқса, Форс кўрфазидagi ҳарбий амалиётлар ниҳоясига етган, Америка ҳарбий мутахассислари «ахборот уруши» иборасини қўллаб бошладилар. Бу урушда ахборот курашлари ўта самарали эканини ниҳоят ўз исботини топди. 1992 йил 21 декабр куни Пентагон «ахборот уруши» деб номланган фармойишни қабул қилганини бир эсга олайлик. Бу ҳужжатда гап келаждаги урушларда «инфорацион ресурсларни ҳар томонлама эътиборга» олиш масаласидагина бўлмай, балки АКШга қарши қўлланиши мумкин бўлган янги ахборот технологияларининг миллий хавфсизликка таҳдиди борасида чуқур ташвиш баён қилинган эди. Соҳанинг етакчи мутахассислари ёзишича, ахборот уруши (information war) — стратегик мақсадларни амалга ошириш учун рақибнинг ахборот майдонига инфорацион таъсир кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатидир. Ахборот уруши «тарғибот» (пропаганда) атамасига бевосита боғлиқ, албатта. Маълум



ки, «тарғибот» атамасини илк бор Рим Папаси 1622 йили, католиклар ва протестантлар ўртасидаги ўттиз йиллик урушда қўллаган эди. Папа мағлуб бўлаётган католиклар руҳини кўтариш учун маҳсулус конгрегация — иймон тарғиботи бўлимини ишга туширган.

«Ахборот уруши» атамаси эса биринчи марта 1967 йилда тилга олиниб, бу иборанинг муаллифи собиқ Иттифокка қарши бошланган ахборот урушининг асосчиларидан бири Аллен Даллес эди. 1985 йилга келиб эса ахборот уруши атамасини Хитой қўллаб бошлади.

Ахборот уруши — рақиб саналган мамлакатга, унинг жамоатчилиги ёки диний ташкилотлари ва улар қабул қиладиган қарорларга таъсир кўрсатиш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик онгини ўзига керакли йўсинга қаратишга уринишдир. Таъсир этишининг асосий дастаклари — кинотелар, кинофильмлар, телевидение, интернет ва, албатта, ОАВ нашрларидир. Ахборот урушининг муҳим жиҳатларидан бири — рақибга психологик босим ўтказиб, уни «керакли» қарорлар қабул қилишга мажбур қила билишдир. Хусусан, ҳақиқатдан йироқ ахборотлар тарқатиш орқали хато қилишга мажбурловчи хатти-ҳаракатлар ва ваҳима уйғотувчи услублар қўлланилади. Ахборот таъсири — далилларни бузиб кўрсатиш ёки рақибнинг табиий идрок

килиш қобилиятини сўндириш, унинг фикрини ҳис-туйғулар (эмоциялар), кучли ҳиссиётлар таъсирида ушлаб туришга эришишдир.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, кечаги ахборот урушлари бугунгисидан батамом фарқ қилмоқда. Янги замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши, сунъий йўлдош телевидениелар, интернет тармоқлар бошқалар учун ёпиқ бўлган маълум ҳудуд, яъни локал конфликтларнинг зудлик билан тарқалиши уларга оламшумул аҳамият берилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда Хитойда 500 миллион, Россияда эса 50 миллионга яқин интернетдан фойдаланувчилар бўлишдан ўтганини инобатга олсак, ижобий ёки салбий мазмундаги ахборотларнинг глобал тармоқка чиқиши учун бир сония кифоя эканига ишонч ҳосил қиламиз. Бу ахборотлар нафақат миллий манфаатлар, хавфсизлик ва мамлакат суверенитетига, балки шу мамлакатда яшовчи аҳолига қанчалар салбий таъсир этишини тасаввур этиш қийин эмас. Шу ўринда АКШ Разведка бошқармаси ходими Аллан Даллеснинг Конгрессда айтган қуйидаги сўзларига эътибор беринг:

«Биз нимага эга бўлсак, яъни ҳамма олтинларимиз, моддий бойликларимизнинг барчасини лақиллатиш ва алдаш учун сарф қиламиз! Маълумки,

инсон онги, фикрлашиш ўзгаришга мойилдир. Алғов-далғовлик билан уларнинг қадриятларини сохтанарсаларга алмаштириб, уларни қадрият сифатида қабул қилишга мажбур қиламиз... Адабиёт ва санъат йўқотилади... Адабиёт, театр ва кинолар фақат энг тубан инсоний туйғуларни мактаб, уларни «чиройли» қилиб кўрсатади. Биз фахш, зўравонлик, ҳонилик ва умуман олганда ҳар қандай ахлоқсизликка топишининг мадҳ этаётган ва уларнинг оммалашуви сабаб бўлаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатни бошқаришда чалкашликни кўпайтириб ташлаймиз. Биз киши билмас, аммо ўта фаол даражада амалдорлар орасида порахўрликни, қатъиятсизлик (принципсизлик) ва ўзбошимчиликни ривожлантирамыз. Расмийчилик ва коррозияликни «фазилат» даражасига кўтарамиз. Инсоф ва виждон ўтмишда қолади, уларга соҳиб кимсалар кулги остига олинади. Биз шу усулни бир неча авлодга қўллаймиз. Уларни болалик чоғларидан бошлаб, кейин эса йигитлик вақтларидан бузишга ҳаракат қиламиз. Биз уларни сурбетларга, ярамасларга айлантирамыз».

Кўриниб турибдики, мафкуравий ёлгон ахборот тарқатиш — дезинформациянинг бош мақсади — рақиб мамлакатни аҳолиси онгидаги асл маънони бузиб кўрсатиш, кераксиз

нарсаларга урғу бериш, асл сабаб ва моҳиятларни яшириш, ахлоқий меъёрларни бузиб, руҳий фитналарга дучор қилиш ва ижтимоий бекарорликни вужудга келтиришдир.

Бугун ахборот урушлари олиб боришда оммавий ахборот воситаларининг мавқеидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Негаки, турли сиёсий ва молиявий гуруҳлар ўз манфаатларини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг жамоат фикрига таъсир ўтказишда му

ҳим восита эканини англаб етдилар. Ўз навбатида ОАВни кузатиб бораётганлар ҳам кўп ҳолларда ахборот урушларидаги фош қилувчи далилларнинг очилиши, баъзи маълумотларнинг атайин юзга чиқиши, буюртма мақодаларнинг тинимсиз чоп қилинишига ҳар кўни гувоҳ бўлиб туришибди. Бу ижтимоий таъсир йўналишини янада кучайтиради, янги мустақил давлатларнинг фуқаролик жамияти асосларига, тадбиркорлик институтларига халқнинг ишончсизлигини келтириб чиқаради. Ҳукуматнинг ҳар қандай ҳаракатларига шубҳа, ишончсизлик келтириб чиқариш эса ҳукумат ва жамият ўртасидаги жарликни янада чуқурлаштиради, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини сўндиради. Курашнинг бир шаклдан бошқа шаклга ўтиши унинг жадаллашувини секинлаштирмайди, қатъиятини ҳам йўқ қилмайди. Аксинча, у «демократик» дунё тузилишига ўттиш қақирқлари остида яшириниб, ўта муросасиз бўлиб бормоқда. Эътироф этиш кераки, айни пайтда ахборотнинг аксарият қисми Интернет орқали тарқалмоқда. Интернетдаги ахборотнинг ҳажми жуда катта бўлиб, турли хиллиги туфайли ёшларнинг онгига салбий таъсири кўпроқ

кузатилмоқда. Яъни инфорацион жараён ижобий бўлишдан ташқари ўзининг салбий томонлари билан ҳам ўзига хос маънода жожадир. Чунки таракқиёт жараёнида ҳар бир ахборот кучли стратегик мақсадда амалга оширилиши мумкин. Айниқса, Интернетда тарқатилётган ахборотнинг ҳолиси ёки ҳаққонийлигига ишониб долзарб масалалар. Мисол учун, Интернетдаги айрим хабарлар бузғунчилик ҳаракатларини содир этишга ундайди. Ҳозирги вақтда бундай ахборот тарқатиш усулларида турли экстремистик гуруҳлар, бузғунчи ташкилотлар фойдаланиб келаётгани бутун дунёни бежиз ташвишга солмаяпти. Бу жараёнда айрим сиёсий марказлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда агрессив мақсадда ахборот хуружини уюштиради. Интернет орқали тарқатилган ахборот хуружи давлатларнинг миллий қадриятларига ҳам таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам XXI асрга келиб бутун дунё ахли давлат хавфсизлигини таъминлашда, халқ манфаатларига зид бўлган ахборот тарқатилишининг олдини олиш, ёшларда мафкуравий хуружларга нисбатан иммунитетни шакллантириш масаласига бирламчи эътибор қарата бошлади.

Воқеалар, ғалимлар, шарҳлар

SAMSUNG BA LG TIL BIRIKTIRDI

Жанубий Корея Антимонополия хизмати «Samsung Electronics» ва «LG Electronics» компанияларини кир юлчи машиналари, телевизор ва ноутбукларга келишиб нарх белгилагани учун жаримага тортиди. Унга кўра Samsung 25,81 млрд. вон (22,3 миллион АКШ доллари), LG эса 18,83 млрд. вон (16 миллион АКШ доллари) тўлашга мажбур бўлди. Бу икки гигант компания 2008-2009 йилларда ҳам махфий равишда ўзаро аран моделларини ишлаб чиқаришни тутатиш ҳамда дўкон савдогарлари учун четгирмаларни қисқартиришни камайтирилиши эҳтимолидан ҳоли эмас.

ХОРИЖИЙ СЕРИАЛЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ

Хитойда чет эл сериалларини ойнаб жаҳон орқали намоён этиш бўйича янги чеклов ўрнатилди. Унга кўра, телеканалларда соат кечки 19 дан 22 гача бўлган вақт оралиғида хорижий сериал ва шунга ўхшаш бошқа махсулотларни намоён этиш тақиқланади. Бу билан мамлакат телевидениеси қўғилочлар кўрсатувлар миқдорини қисқартиришга ҳам эришмоқчи. Мутахассисларнинг фикрига кўра, маакур чеклов сериаллар орқали кириб келаётган «тарб маданияти»га бўлган қизиқишга муайян даражада чек қўяди.

«ҚАТТИҚ ИҚТИСОДИЁТ» КАСАБА УЮШМАЛАРИГА ЁҚМАШТИ

Греция касабаси уюшмалари парламент томонидан қабул қилинган қаттиқ иқтисодиёт режаси мамлакат иқтисодиётига, хусусан меҳнат бозорига катта зарар етказиши мумкин, дея бонг урмоқда. Чунки, парламент томонидан қабул қилинган мазкур бюджет давлат секторига 150 мингга яқин иш ўринларини қисқартириш ва минимал иш ҳақини 22 фойзага камайтиришни назарда тутди. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ушбу тартиб амалга оширилса, мамлакат иқтисодиёти 3 йилдан сўнг 2,5-3 фойзага ўсishi мумкин.

АРОҚХўРЛАР УЧУН 2,7 МЛРД. ФУНТ СТЕРЛИНГ

Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон таклифи билан мамлакатда кучли спиртли ичимликларга катта солиқ солиш кўзда тутилмақда. Бош вазир режасига биноан мамлакатда ҳушёрлик тармоқлари ташкил этилиб, унда махсус автобус мастликдан ҳушини йўқотган шахсларни ўз манзилгига етказиб қўяди. Ҳукуки муҳофаза қилиш органлари билан ичкиликбозалар ўртасида тунги клубларда жанжал келиб чиққудек бўлса, тезкор гуруҳ қисқа фурсатда у ерда ҳозир-нозир бўлади. Таъкидлаш керак, алкоғолдан заҳарланиш оқибатида касалхонага ётқизилган фуқароларни даволашга давлат йилига 2,7 млрд.фунт стерлинг сафламоқда.

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.



XXI ASR
Ijtimoiy siyosiy gazeta

ОБУНА
ДАВОМ ЭМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy,
tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab
tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

